O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
ИНВ.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 8 апрель №73 (3348) Пайшанба

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛАТВИЯ САФАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 апрель куни давлат ташрифи билан Латвия Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.***

## ПРЕЗИДЕНТ РИГАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

— Латвия Болтиқбўйидаги катта иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, — деди Президент. — Латвия иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ўзини анча ўнглаб олган, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошираётган давлатлардан.

Яқинда НАТОга қабул қилинган, тез орада Европа Иттифоқига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирувчи Латвия энди жаҳон иқтисодиётидаги фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бу Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Негаки, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоқли қисми Латвия денгиз портлари орқали экспорт қилинади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Латвиянинг дунё бозорига яқинлашгани биз учун ҳам катта имкониятлар эшиги очилишини англатади.

Ўзбекистон-Латвия ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Айни пайтда, ўзаро иқтисодий кўрсаткичларимиз 1998 йил билан солиштирганда олтмиш фоизга ошган.

Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Жаҳондаги кўпгина, ҳатто энг етакчи мамлакатлар ҳам ўз тарихида мана шундай ташвишли кунларни бошдан кечирган. Бундай пайтда ўша мамлакатлар халқлари бир тану бир жон бўлиб таҳдидларни бартараф этган, давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаб, юртда осойишталик ва барқарорликни таъминлашга эришган. Демак, ҳамжиҳатлик, бир мушт бўлиб ҳаракат қилишда гап кўп. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизни яна бир бор жипсликка, тинчлигимизни, осойишталигимизни бузмоқчи бўлганларга қарши биргаликда курашига даъват этмоқчиман.



***РИГА. 7 апрель (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи бошланди. Рига қасрида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Қасрда икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Вайра Вике Фрейберганинг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлишини таъкидлаб, бу борада орттирилган тажриба ҳамкорликка янги суръат бериш ва мазмунини бойитиш учун яхши имконият эканлигини қайд этдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада Ўзбекистон билан Латвия ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида консуллик конвенцияси, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Латвиянинг Парекс банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар музокаралар самарали ўтганини, томонлар мулоқотдан тўла қониқиш ҳосил қилганини, муҳокама этилган халқаро масалаларга нисбатан ёндашув ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидладилар.

Ислом Каримов Вайра Вике Фрейберга ҳамроҳлигида Озодлик ёдгорлигига ташриф буюриб, Латвия халқи қаҳрамонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ёдгорлик пойига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Халқаро Латвия Республикаси халқаро мукофотлар жамғармасининг "Мўъжизакор Николай" ордени билан тақдирланди.

Президентимизнинг Латвияга давлат ташрифи давом этмоқда.

**СУРАТДА: ташриф пайтида.**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Долзарб мавзу*

*Пилла — қимматбаҳо хомашё. Унинг халқ хўжалигида ўрни катта. Бу хомашё бир қатор соҳаларда ишлатилади. Масалан, ноёб, чиройли ва пишиқ газламалар асосан табиий ипакдан тайёрланади. Шунингдек, ундан самолётсозликда, космосни тадқиқ этишда, тиббиётда, озиқ-овқат саноати ускуналари, чолғу асбоблари, радио ва телевизорлар ишлаб чиқаришда, фотография ва кинематография соҳаларида фойдаланилади.*

## Серташвиш мавсум



Пилла қишлоқ хўжалигининг дастлабки ҳосили ҳисобланиб, кўпинча мутахассислар бошқа тармоқлар йиллик режаларининг бажарилишини унинг натижаларига қараб ҳам белгилашади. Ота- боболаримиз азалдан ипак қурти парвариш қилиб келганлиги боис юртимизда бу борада катта тажриба тўпланган. Пиллакорларимиз ҳар йили шартнома топшириқларини ошириб бажариб, тармоқдан мўмай даромад олишаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимизда ҳар йили 17 минг тоннадан зиёд "кумуш тола" етиштирилиб, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Маълумки, тут дарахти ипак қуртининг асосий озиқа базаси ҳисобланади. Унинг барги таркибида ипак қурти эҳтиёжини қондирадиган турли хил моддалар, ферментлар ва витаминлар мавжуд. Пилла ҳосили кўп жиҳатдан тут баргининг етарлилигига боғлиқ. Шунинг учун пиллакорларимиз ипак қурти боқиш билан бирга тут дарахтларини парвариш қилиш, тут ниҳоллари экиш, янги тутзорлар яратишга алоҳида аҳамият берадилар.

Биз Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб, тутзорларнинг аҳволи, уларнинг парвариши ва пилла етиштириш бўйича шартнома режаларининг бажарилиши билан қизиқдик.

Айни пайтда бу ерда 273 гектар тутзор мавжуд. Жорий йилда 30 минг тупдан ортиқ тут ниҳоллари экилди. Туман пиллачилик шўъба корхонаси мутахассисларининг берган маълумотларига кўра, ипак қурти парвариши учун етарли миқдорда озиқа бор. Пилла етиштириш бўйича шартнома топшириқлари ҳам узлуксиз бажарилмоқда. Масалан, бултур 92 тонна ўрнига 95,3 тонна хомашё тайёрланди.

— Узоқ йиллардан бери ипак қурти парвариш қилиб келаман, — дейди "Истиқбол" ширкат хўжалиги пиллакори Заҳира Ўсарова. — Ҳар йили шартнома мажбуриятларини ортиғи билан уддалайман. Ўтган йили бир қути ипак қурти боқиб, 68 килограмм хомашё топширдим. Озиқа етарли бўлди. Пилла мавсуми олдидан 5 килограмм ёғ, бир қоп ун ва беш минг сўм пул беришди. Кейинчалик 260 килограмм буғдой олдим. Етиштирилган хомашё учун эса тўла ҳисоб-китоб йилнинг октябрь ойида амалга оширилди. Пиллани топширганимиздан кейин ўз вақтида пули берилса, айни муддао бўларди.

Дарҳақиқат, тумандаги тайёрлов корхоналари томонидан пилла учун ажратилган маблағлар баъзи ширкат хўжаликлари раҳбарлари томонидан минерал ўғит, техника ва эҳтиёт қисмлар харид қилишга сарфлаб юборилмоқда. Натижада пиллакорлар ўз вақтида ҳақларини олишолмаяпти. Бошқа вилоятларда эса ҳанузгача бултурги ҳосил учун ҳисоб-китоб охирига етказилгани йўқ.

"Ўзбек ипаги" уюшмаси мутахассисларининг маълумотларига кўра, бугунги кунда республикамизда 39325 гектар тутзор мавжуд. Ҳар йили баҳор ва куз ойларида тут ниҳоллари экилади. Жорий йилда ҳам, ҳукуматимиз қарорига кўра, 3322 гектар ерга тут кўчатлари экиш режалаштирилган. Ҳозир бу иш жойларда қизғин олиб борилмоқда.

Лекин, афсуски, йил сайин айрим жойларда ҳеч қандай сабабсиз тут дарахтларининг сони камайиб кетиши ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида шундай манзарани кузатиш мумкин. Айниқса, Риштон, Бағдод, Тўрақўрғон, Норин туманларида тутзорлар майдони кескин камайиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда



## «ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ»

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА).***

Республика саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиалида Жаҳон саломатлик куни муносабати билан брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда ер юзида ҳар куни бир юз қирқ минг киши автоҳалокатга учраётгани таъкидланди. Афсуски, бундай нохуш ҳодисалар юртимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ўтган йили пойтахтимизда икки ярим мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Айрим ҳайдовчиларнинг машинани маст ҳолда бошқараётгани, пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслиги, кўчада болалар хатти-ҳаракати жиддий назорат қилинмаётгани кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда.



Тадбирда шу боис Жаҳон саломатлик куни бу йил мамлакатимизда "Йўл қоидаси — умр фойдаси" шиори остида нишонлангани таъкидланди. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг натижасида келиб чиқадиган нохуш ҳолатларни бартараф этишда тиббиёт ва таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

## Афғонистон вазири лицейда

Афғонистон таълим вазири Муҳаммад Юнус Қонуний бошчилигидаги ҳайъат Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейда бўлишди.

Айни пайтда мазкур лицейда 400 нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Ушбу ўқув муассасасида таълим замонавий ахборот технологиялари асосида олиб борилади. Ҳар йили лицей битирувчиларининг 90 фоизи олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлаяпти. Жорий йилда академик лицейнинг янги биноси қуриб битирилиши билан бу ердаги таълим имкониятлари янада кенгайди.

Жойлардан хабарлар

## «Ёшлик»нинг янги мактаби

Косонсой туманидаги кенжа қишлоқ — «Ёшлик»нинг инфратузилмаси таркибига 300 ўринли янги мактаб биноси ҳам қўшилди. Қисқа фурсатда тикланган иншоот қурилишига маҳаллий бюджетдан 184 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, ҳududдаги «Тошкент» фермер хўжалиги ўқув жиҳозлари сотиб олишга ҳомийлик қилди. Мактаб тақдимоти куни вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов топширган компьютер мажмуаси эса ўқувчиларга кутилмаган совға бўлди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Наманган вилояти «Маслаҳат бериш ва ташхис қўйиш» марказига Американинг «GENERAL-ELEKTRIKS» фирмасидан келтирилган «CTSUTES — 2000» аппарати ўрнатилди.

## Тиббиёт марказига замонавий техника



Унинг қиймати 220 минг АҚШ доллари бўлиб, инсон организмининг ҳамма аъзоларига бир вақтнинг ўзида ташхис қўя олади. Пойтахтда ўқиб малака ошириб қайтишган биринчи тоифали шифокорлар Бахтиёр Холдоров, Исроил Деҳқонов, Зунунхон Адҳамов ва олий тоифали ҳамшира Моҳира Сайдуллаева замонавий техника кўмагида касалликларни аниқлашаяпти.

**Иномжон УЛУҒБОЕВ.**

## Муҳаммад Юсуфни эслаб

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида шоир Муҳаммад Юсуфнинг 50 йиллигига бағишланган анжуман бўлди. Йиғилишда шоир ва олимлар, мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Кечани институт ректори Ҳамидулла Йўлдошев олиб борди. Ўзбекистон Миллий университети профессори Қозоқбой Йўлдошев, Жаҳон тиллари университети доценти Сайди Умиров, профессор Нурилла Аҳмедов, катта ўқитувчи Феруза Муҳамедова шоир ижоди ҳақида гапирдилар.

Зулфия мукофоти лауреати, шоира Гулжамол Асқарова Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган шеърларидан ўқиб берди.

**Адиба УМУРЗОҚОВА.**

«Халқ сўзи» назоратида

## Музейга хона ажратилди

Газетамизнинг шу йилги 19 февраль сонида эълон қилинган "Беписандлик" сарлавҳали мақолада Қўнғирот туманидаги "Раушан" ширкат хўжалигида жойлашган музей хонасини қишлоқ фуқаролар йиғини хонасига айлантириш мўлжаллангани, бу эса неча йиллик осори-атиқаларга нисбатан беписандлик экани таъкидланган эди. Мазкур мақола юзасидан Қўнғирот тумани ҳокими А.АБДИМАЖИТОВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда таъкидланишича,



Беписандлик

Биз ширкат хўжалигимизнинг бир чеккасида 2000 га яқин осорларни тўплаб, музей ташкил қилганмиз. Ҳозиргача бу ердан ўтмишимизни ёдга солувчи, урф-одатларимизу ота-боболаримиз турмуш ҳаётидан мерос бўлган ноёб намуналарни кўришга иштиёқманд одамларнинг қадами узилгани йўқ. Бироқ, оқсоқолимизнинг айтишича, музейимиз қишлоқ фуқаро-

*тумандаги "Раушан" ширкат хўжалиги тарқатилиб, фермер хўжалиғига айлантирилиши туфайли клуб иншоотида жойлашган музей учун туман халқ таълими бўлимига қарашли 5-сонли мактабдан алоҳида хона ажратиб берилган. Ҳозирги кунда музей мактаб иморатида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.*

## Оналик ва болалик доимий муҳофазада

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Т.БОТИРБЕКОВ).***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари қатнашди.*

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т.Норбоева маъруза қилди. Шунингдек, вазирликлар, идора ва ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар раҳбарларининг республикада оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, оилалардаги барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Ўтган давр мобайнида аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини яхшилаш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида оналар ва болалар ўлими камайиб, аёлларнинг туғурук ёши таркиби яхшилангани таъкидланди. Туғиш ёшидаги аёлларнинг 24,5 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилиб, экстрагенитал касаллиги мавжуд аёллар соғломлаштирилди. Никоҳдан ажралишлар сони камайди.

Оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш мақсадида олиб борилган тадбирлар натижасида кўплаб аёллар иш билан таъминланди. Касалманд аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёллар, болалар ўртасида спорт-соғломлаштириш, тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни ўтказиш, кам таъминланган оилалар, етим болаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли жамғарма, уюшма ва хотин-қизлар қўмиталари томонидан ижобий ишлар амалга оширилди.

"Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган фуқаролар, ота-онасиз болаларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилмоқда. Жойлардаги Меҳрибонлик ва гўдаклар уйлари устидан оталиқ ёрдамлари ташкил қилиниб, ушбу иншоотларни таъмирлаш чоралари белгиланди.

Йиғилишда оилаларда, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида ҳам фикр алмашилди.

## *Олий Мажлис XIV сессияси олдидан*



***Шу кунларда парламентда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Мазкур сессия ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта воқеа бўлишига шак-шубҳа йўқ. Қонунчиликда янги босқич бошланиши арафасида тараққиётимиз учун зарур қонунларни тайёрлаш ишлари изчиллик билан давом этмоқда. Уларнинг айримлари ҳақида юртдошларимиз фикр билдирадилар.***

# Ҳаёт тақозо этган қонунлар

**Пўлат АБДУЛЛАХОНОВ, Республика Қизил ярим ой жамияти миллий кенгаши халқаро бўлими бошлиғи:**

— Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида "Қизил ярим ой ва Қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Шундан бери умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаси юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Қонун лойиҳасида "Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой тимсолидан фойдаланади" деб кўрсатилди. Тез ёрдам машиналарида ёки ҳарбий қисмларнинг тиббий транспортларида Қизил ярим ой ва Қизил хоч тимсолларининг иккаласи ҳам қўлланилмоқда. Аслида уларнинг моҳияти бир хил. Инсонпарварлик, беғаразлик, холислик сингари умуммиллий қадриятларни қамраб олади.

Мазкур тимсоллардан хусусий дорихоналар ва тиббий муассасалар ҳам фойдаланишмоқда. Ваҳоланки, 1993 йилда Ўзбекистон Женева конвенциясига қўшилган бўлиб, унга кўра тимсоллар бепул, инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасаларнинг бино ва транспортларида ишлатилиши лозим. 1949 йилги Женева Конвенциясида унга аъзо бўлган давлатларнинг Қизил ярим ой ва Қизил хоч тимсоллари қўйилган ҳудудларига зиён-заҳмат етказмасликка қарор қилинган. Ушбу қонун лойиҳаси маъқулланиб, ҳуқуқий асосга эга бўлса, аввало, юртимизда халқаро меъёрларнинг таъминланишига эришилади. Қолаверса, инсонпарварлик асосида фаолият юритаётган ташкилотлар давлат томонидан қўллаб-қувватланади, уларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланади.

**Хайрулла РЎЗИМЕТОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти доценти:**

— Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибидаги масалалардан бири "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасидир. Унинг парламент анжуманида кўрилиши юртимизда ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлар фаолиятига эътибор ортаётганидан нишонадир.

Қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан яхши қабул қилинди ва кўп муҳокама-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, менда ҳам қатор таклиф ва мулоҳазалар уйғонди. 1999 йилда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республика оқсоқоллар Кенгаши, шунингдек, унинг вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини тузиш мумкинлиги кўзда тутилган эди. Қонуннинг ана шу моддаси ижроси таъминланганда, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ қатор вазифаларни нодавлат ташкилотларнинг ўзлари ҳал қилишларига имконият яратилган бўлар эди. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг 9- моддасида шундай дейилган: «Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади». Кейинги банд шундай давом этади: «Комиссиялар таркибига қоида тариқасида фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади». Шу ўринда «комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти органларининг қарори билан тузилиши» ва «уларнинг таркибига давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакилларининг киритилиши» жумлаларини қайта кўриб чиқиш лозим, назаримизда. Чунки улар жамоатчилик институти мустақиллигини чегаралайди. Конституциямизда белгиланган демократик принциплар билан уйғунлашмайди. Президентимиз таъкидлаганларидек, биз фуқаролар ўртасида жамоатчилик назоратини қанчалик кучайтирсак, фуқаролик жамиятига ўтишимиз шунчалик осонлашади. Жамоатчилик назоратига эса фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали эришишимиз аниқ.

***"Халқ сўзи" мухбири Мамлакат НОРМУРОДОВА ёзиб олди.***



*Тадбиркорлик, узоқни кўзлаб иш юритиш бозор иқтисодиётининг бош йўналишларидан биридир. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ана шундай ишбилармонлар анчагина. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли юрт обод бўлмоқда, турмуш фаровонлашмоқда. Жумладан, «Сурхондарёқурилишсаноатинжиниринг» хусусий компанияси жамоаси ҳам хайрли ишга қўл урганлардан. Бу ерда бошқа маҳсулотлар қатори пластик эшиклар ва ромлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу эса четдан келтирилгандан кўра анча арзонга тушмоқда. Сифатига гап йўқ. Шунингдек, компания ўз тикувчилик ва мебель йиғув цехига ҳам эга.*

**СУРАТДА: ишчи Анвар Тўлаганов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Мактабларга беғараз ёрдам

**Сўнгги тўрт йил ичида Андижон вилоятининг ўндан зиёд мактаблари Япония ҳукуматининг грантларини олишга муваффақ бўлдилар. Ушбу сармоя мактабларнинг моддий техника базасини, шунингдек, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш ишларига сарфланди.**

**Ҳукумат гранти доирасида Япония элчихонаси вилоят халқ таълими тизимига 713 минг АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам кўрсатаётир. Ажратилган ушбу маблағларга мактаблар учун ўқув қуроллари, мебель ва бошқа дастгоҳлар сотиб олиниши кўзда тутилган.**

***Ўз мухбиримиз.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Серташвиш мавсум

Оқибатда ипак қурти боқиш даврида озиқа етишмаслиги сабабли пиллакорлар барг қидиришга мажбур бўлишяпти.

Бундай ачинарли ҳол, асосан, жойлардаги ширкат ва фермер хўжаликлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбарлари, шунингдек, туман ҳокимларининг эътиборсизлиги туфайли рўй бермоқда. Мазкур ҳудудлардаги мутасадди раҳбарлар бу ишни қатъий назоратга олмасалар, озиқа таъминоти йилдан-йилга оғирлашиб бораверади. Тўғри, Хоразм вилоятида тутзорлар камайишига бундан уч йил аввал юз берган қурғоқчилик сабаб бўлди. Ҳозир эса сув етарли. Мутасаддилар бундан оқилона фойдаланиб, кўпроқ янги тутзорлар барпо этишга эътибор қаратишлари лозим.

Шунингдек, тутзорларга тут парвонаси зараркунандаси ҳам катта талафот етказмоқда. Бундан ўн йил илгари Сурхондарё вилоятида пайдо бўлган ушбу ҳашарот кейинчалик Фарғона водийсидаги вилоятларга кенг тарқалди. Ҳозир уларни Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг айрим тутзорларида ҳам учратиш мумкин. Агар мазкур зараркунандаларга қарши жиддий кураш олиб борилмаса, уларнинг бошқа вилоятларга ҳам тарқалиши эҳтимоли бор. Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг жойлардаги бўлимлари бу борада кўрилаётган чора-тадбирларни кучайтиришлари зарур.

Саноқли кунлардан кейин республикамизда ипак қурти боқишга киришилади. "Ўзбек ипаги" уюшмаси мутахассисларининг айтишича, жорий йилда пиллакорларимиз шартномага биноан 18 минг тоннадан ортиқ "кумуш тола" етиштиришни режалаштиришган. Бир килограмм пилланинг харид нархи ўртача 730 сўм, биринчи нави учун эса 900 сўм қилиб белгиланди. Шартномада кўзда тутилган миқдорда хомашё тайёрланиши учун, албатта, озиқа, яъни тутзорлар етарли бўлиши, шунингдек, пиллакорлар бўнак маблағлари билан ўз вақтида таъминланиши керак. Бунинг учун мазкур вазифага мутасаддилар барча чора-тадбирларни кўришлари зарур.

**Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**



**Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# Бешариқда тонг эрта отади

Очерк

## Кайфият

Қишлоқ оралаб ўтиб борамиз. Аста-секин оппоқ тонг отиб келмоқда. Хўрозлар қичқириғи, эрта уйғонган қушлар чуғури, тунда очқаб қолган бузоқчанинг эркаланиб маърашии тонг куйини, уйғониш куйини куйлаётгандай бўлади. Тоғ ортидан тўлқин-тўлқин бўлиб бўй кўрсатаётган қуёшнинг ҳарир, қизғиш нурлари қийғос гуллаган ўрикларнинг нафармон рангларига қўшилиб аллақандай майин, латиф, илоҳий бир ҳолат касб этаётгандай бўлади.

Деҳқоннинг қувончларга тўлган, ташвишларга лиммо-лим куни бошланади.

Туманда янги ташаббус бошланган. Катта кўчаларнинг четига, ариқларнинг бўйига, заканларнинг ёнига, бўш қолган майдончаларга кўчат экиш авж олган. Кўчат эккан савоб олади, Аллоҳнинг марҳаматига лойиқ бўлади деб айтишган, ишонтиришган. Рапқондан Бешариққача, Бешариқдан Қорақўйлигача, борингки, қайси қишлоқ кўчасидан ўтманг, бўй чўзган тераклар худди самбит қоматли йигитлар қўлини кўксига қўйиб сизни кутиб олаётгандек бир таассурот пайдо қилади. Яна уларни оқлаб, йўл четларига оқ тошчалар ҳам бежирим терганларки, руҳингиздаги тонг палласида уйғонган ҳалиги баҳорий кайфиятга яна шунча кайфият қўшилгандай бўлади.

"Яккатут", Ўзбекистон, Мелиев номли, Мадаминов номли хўжаликлар деҳқонлари орасида бўлиб, экишга тайёрлаб қўйилган майдонларни, ҳов наридаги плёнка остидаги чигитлар уна бошлаганини кўриб, ҳалиги кайфиятимизга яна шунча кайфият қўшилгандай бўлади.

Бешариқ деҳқонлари ориятли кишилар, мард, ғурури баланд кишилар. Узоқ йиллар давомида деҳқончиликни ўрнига қўйиб, атрофидагилардан ўзиб ҳам кетган. Ўтган йили режани бажара олмаганлари сабаб беҳад ҳижолатда эканликлари шундоққина сезилиб, аммо гаплар қисқа, сўзлаш оҳангида шижоат, ғайрат уфуриб туради. Туман деҳқонлари бу йил 10900 гектар ерга чигит экишади. Шундан 2800 гектари плёнка остига экилади.

— Э, ёзувчи ака, яхшиси, кузда келсангиз бўларди, — деди суҳбатдошимиз.

— Нега ундай дейсиз? — деб сўраймиз.

— Кўриб турибсизки, ўтган йили эл олдида ҳижолат бўлиб қолганмиз.

— Бу йил шиддатингиз зўр-ку?

— Лекин, ёзувчи ака, жўжани барибир кузда санаганимиз яхши-да!

## Юз марта эшитгандан...

Туман ҳокими Саидхон Мамадиев билан суҳбатлашиш ниятидамиз. Гоҳ у далада, гоҳ бу хўжаликда бўлади, учратолмаймиз. Ё тунда, ё тонг саҳарда учрашасизлар деб маслаҳат беришади.

— Жуда барвақт келаркансиз, — дея гап бошлаймиз.

— Бешариқда тонг эрта отади, — дейди ҳоким.

Суҳбатимиз қисқа бўлади. Бир дақиқада бутун тумандаги деҳқончилик манзараси кўз олдимизга келгандек бўлади. Ўтган йили режа бажарилмаганлиги учун ҳижолатлик ҳокимда ҳам жуда кучли эканлиги сезилиб туради. Хўжаликлар ишини таҳлил ва яна таҳлил қилгиси келади.

— Лекин ҳамма айбни табиат инжиқликларига қўя бериш ҳам яхши эмас, чунки... — дейди ҳоким.

— Энди "чунки"сини ҳам айтинг, — деймиз.

— Чунки вилоятда борйўғи саккиз хўжаликкина режасини бажарди. Шу бажарганлардан биттаси мана бизнинг туманимизда. Ҳадеб табиатни айблаётгани йўқ-ку.

— "Бешариқ" ширкат хўжалигини айтаяпсизми?

— Ҳа, биларкансиз, ўша хўжалик.

— Ютуқлари каттами?

— Яхшиси, боринглар, ўзи билан суҳбатлашинглар, кўз билан кўрганга нима етсин.

Вилоят учун ғоят мураккаб келган хўжалик йилида муваффақиятга эришган, ўзгаларга намуна бўла олган хўжаликдаги ишлар, унинг бошқарув усули, э, борингки, бошқарув раиси билан танишгимиз келиб қолди.

## Бошқарув раиси

Ўзбек аёлларида ғалати бир удум бор. Совчиликка борганларида, энг аввало, хонадонда кўзга ташланадиган саранжом-саришталикка, озодаликка эътибор берадилар, кўча олди супурилганми, остона ювиб тозаланганми, супурги ўз ўрнида-ю, ҳокандоз қаерда турибди, ана шуларга қараб хонадоннинг онабошисига ҳам, қизига ҳам баҳо берадилар. Ҳозир ширкат хўжалиги идораси олдида бошқарув раиси Рўзимат Усмоновнинг даладан қайтишини кутиб ўтириб, ўзбекнинг ана шу удуми эсимизга тушгандай бўлди. Атроф ғоят озода, саришта, дарахтларнинг танаси оқланган, ортиқча шохлари кесиб, буталган, гул экишга мўлжалланган майдончалар чопилган, ҳовли, йўлакчалар супурилган, ҳўв наридаги биолаборатория атрофларию, меҳмонхона деворларигача таъмирланган, дераза ойналари ярақлатиб артилган. Эҳтимол, шу ҳолатдандир дилингизда хуш кайфият, руҳингизда чароғонлик бошланганлигини ҳис қиласиз.

Раис даладан қайтди. Тонг саҳарда ўғитланган буғдойзорни кўргани борган экан, тиззасигача нам ўтирган. Ўрта бўй, тўладан келган, буғдойранг, юзлари, лабларидаги ним табассум, кўзларидаги уятчанликками ўхшаб кетадиган ғалати бир нур Фарғона йигитларига хос бўлган бир ҳолатни эслатиб турибди. Суҳбатлашамиз. Шу тумандаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигига беш йил раҳбар бўлган. Пахтаси, буғдойи, боғидаги меваларига Оллоҳ барака бераверган. Туманда, вилоятда, гоҳо республикада биринчи ўринни олаверган. Шу ширкат хўжалигига раисликка ҳоким тавсия қилган. Ишлаб турган жойида ҳам, бу ерда ҳам йиғилиш уч кун давом этган. У ердагилар раисимизни ҳеч кимга бермаймиз деб йиғин қилишган... Хуллас, бу ерда иш бошлаганига, мана, икки йил тўлиб, учинчи йил кетаяпти. Чўкиб қолган, деҳқонлари турли томонларга кетиб қолаётган ушбу хўжаликни қандай қилиб вилоятда биринчилар даражасига кўтарганини билгимиз келади. Раис кулади. Яхшиси, иқтисодчимиздан сўранг, дейди.

Қўл телефони жаранглаб турибди. Сўзлари қисқа, лўнда, кескир. Тўсатдан қувониб кетаётганини, қайсидир сонияда ғамгинлашаётганини сезиб турамиз. Суҳбат давом этади. Боғча мудираси шошилинч кириб, қайсидир қоғозга қўл қўйдиради, бош механик бир оғиз сўз сўрагани киради, фермер йигит бошқа бир фермер билан сув талашиб қолибди, тезлик билан ҳал қилиб беринг, дейди, мактаб директори компьютер олмоқчи экан — кузатиб турибмиз кираётганларнинг биронтаси ҳам иши битмасдан чиқиб кетаётгани йўқ, ҳаммаси тез ҳал бўлаяпти. Раиснин, бу даргоҳга келган кишининг иши, албатта, битиши шарт, деган шиори бор экан. Кейин яна бир одатини айтиб беришди, дала-қўйда кир-чир, исқирт бўлиб юрган ишчини орқасига қайтариб юбораркан, соқолини ўстириб юриш ишчанлик аломати эмас, деркан.

Эҳтимол, шу тозаликка, шу гўзалликка, шу мукаммаликка, шу самимиятга интилгани учун ҳам чўкиб қолган "Бешариқ" ширкат хўжалиги икки йилдаёқ ўзини тутиб олгандир?

Лекин хўжаликнинг ўсишига бошқа омиллар ҳам сабаб бўлгандир? Ўшаларни ҳам билгимиз келади.

## Мўъжизалар

Улкан "Бешариқ" жамоа хўжалиги сўнгги йилларда ўз-ўзидан нурай бошлаган, бора-бора бўлакларга бўлиниб кетган. Кичик бир бўлакчага мана шу "Бешариқ" ширкат хўжалиги деб ном беришган, лекин жамоа барибир ўнгарилмаган, Рўзимат Усмоновни раис қилиб олиб келамиз, деб уч кун йиғилиш қилишганининг сабаби шунда экан.

— Кейин аста-секин мўъжиза юз бера бошлади, — дейди иқтисодчи йигит.

— Қанақа мўъзижа? — деб сўраймиз.

— Шу Рўзимат аканинг раис бўлиб келишида.

— Раис бўлиб келса мўъжиза ўз-ўзидан юз беравердими?

— Йўқ, бошқариш усулини айтаяпман.

— Аниқроқ қилиб, лўндасини айтинг-чи!

— Ёлғонни ёмон кўраркан.

— Яна?

— Ишлаганнинг ҳам елкасини, ҳам бошини силаркан.

Иқтисодчи йигитнинг қалби тўла ғурур, ифтихор. Рўзимат Усмоновнинг раис бўлиб келиши билан бўлган ўзгаришларни рақамлар орқали айта бошлади. Келган йилиёқ зарардан боши чиқмаётган хўжалик гектар бошига 347 минг сўмдан соф даромад олибди, 2003 йил эса гектар бошига олинган соф даромад 570 минг сўмга кўтарилибди. Пахтадан келган даромад ҳаммасидан зўр бўлибди. Гектаридан 617 минг сўмдан соф даромад олинибди.

— Қалай, мўъжизамикан? — сўрайди иқтисодчи.

— Ҳа, мўъжиза, — деймиз.

Иқтисодчи йигитнинг илҳоми жўшди. Энди у бошоқли дондан, боғлардан, ҳатто лимонзордан келган даромадларини ҳам рақамларда завқ-шавқ билан баён қила бошлайди. Ҳар гапнинг бирида, "Қалай, мўъжизамикан?" деб сўраб ҳам қўяди.

Кўнглимизда бу мўъжизанинг бошқа сирлари ҳам бўлиши керак деган гап ўтди. Хўжаликни ўрганишни давом эттиргимиз келди.

## Оталар дуоси

Ҳа, туманда биринчи бўлиш, вилоятда ном чиқариш йилига 80-90 миллион сўмдан даромад келтириш бу ўз ўзидан бўлмаган. Унинг қатор омиллари бўлиши керак.

Рўзимат Усмонов раҳбар бўлиб келган куннинг эртасигаёқ шу юртда агроном бўлган, бригадага раҳбарлик қилган, юртни бошқарган, Ҳакимжон, Йўлчивой, Ғуломжон бобolardan иборат кенгаш тузган экан. Кенгашга сифат гуруҳи деб ном ҳам берган экан. Ана шу кенгаш аъзолари билан суҳбатлашамиз.

— Энди гапни деҳқонча қилиб айтадиган бўлсак, — дейди Ҳакимжон бобо, — Рўзимат Усмонов ўзбекчиликни яхши тушунадиган йигит экан. Кексалардан ҳол-аҳвол сўрайди, дуоларини олади. Ишни қабрлар атрофида девор олишдан, хонақоҳларни обод қилишдан, уйма-уй юриб муҳтож кишиларга ёрдам уюштиришдан, касал, касалмандлар бўлса, шифохоналарга жойлашдан бошлади. Президентимиз айтганларидек, одамларнинг қалбига кирди. Сал кун ўтмай эл билан бир тану бир жон бўлиб кетди. Аллоҳ унинг йўлини ойдин қилди. Биринчи йилиёқ ҳосилдорлик ошиб, кайфият кўтарилиб, э, борингки, одамлар бир-бирлари билан сизлашиб гаплашадиган бўлиб қолди. Сабаби, чўнтакка пул тушди, ана шу пулни янги раис олиб келди.

## Пудратнинг хосияти

Деҳқонлар, агроному механизаторлар билан суҳбатни давом эттирамиз. Ҳар бири алоҳида олам, ўз дунёсининг мураккабликларини, қувончу шодликларини сўзлаб беришади. Ана шундай дили яйраб суҳбатлашган фермерлардан бири Охунжон Умматов бўлди.

— Сўнгги икки-уч йилда кўтарилишимизнинг сабаби шуки, раис ёш бўлсаям, пахтани яхши биларкан, ростгўйликни одат қилган экан. Пахта оқ нарса, ёлғонни ёқтирмайди, ёлғон пахтанинг юзига доғ бўлиб тушади, дейди. Хуллас, бераман деган даромадини берди, аъзоларимиз ҳам қил деган ишни қилаверди. Гап шу.

Охунжон Умматов бизни уватда ўтириб, ўрик ўтинга қайнатилган қумғон чой ичишга таклиф этади. Солияхон, Мунавварxон деган сингилларим, Собиржон, Холмирза, Элмирза укаларим сизлар билан суҳбатлашишни орзу қилаяпти, телевизорда сизни ҳафтада икки марта кўрамиз, мана, даламизда бир йилда бир марта кўрдик, ана шунинг эвазига бугун кун бўйи биз билан суҳбатлашасиз, дея кулади. Аёллар, сувчи, механизатор йигитлар суҳбатга қўшилади. Суҳбат асносида бу қўли қадоқ йигитларнинг, мўл ҳосил учун ёниб-куяётган аёлларнинг кўнгли баланд эканлиги, мўл ҳосил учун, юртнинг бойиши учун куйинаётганлигини сезгандек бўламиз.

Бошқа бир пудратчилар, хусусан, оила пудрат бошлиқлари Йигитали Темуров, Сожида Йигиталиевалар билан суҳбатлашганимизда ҳам ана шу юртдаги, яъни Бешариқ туманидаги кўтаринки бир кайфиятни, ғайратни, шижоатни, ўтган йилги ҳижолатпазликни кўтариб ташлашга ҳаракат қилаётганликларини сезгандек бўламиз. Йигитали Темуров 2003 йили 788 минг сўм, Сожида Йигиталиева 692 минг сўм даромад олибди. Даромад оила кайфиятини яхшилабди. Мана, бутун оила аъзолари далада. Дала қўшиғини биргалашиб куйлаётганга ўхшайди.

Далаларда бўлганимда, яна бир нарсани сезгандек ва ҳис қилгандек бўлдим. Бу кишилардаги ифтихор туйғуси, ғурур туйғуси, эгалик ва хўжайинлик туйғуси. Ким билан гаплашмай, ич-ичидан ёниб турган ана шу гўзал туйғуларни сезгандек бўламиз. Юртимизнинг ўтган йилги кўтарилишига мен ҳисса қўшдим, дейди, боғбон ғаллакор каттакон улуш меники бўлди, дейди, пахтакор ҳамма нарсани биз ҳал қила олдик дейди.

Ширкат хўжалигида бўлганимизда, узоқ суҳбатлар давомида шуни англаб етдикки, бу ерда жавобгарлик ҳисси тенг тақсимланган, ўзига теккан масъулиятни ҳамма ҳам бир хилда ҳис қилган, эл билан раҳбар, раҳбар билан эл бир тану бир жон бўлиб бирлашиб кетган.

Ўтган йилги муваффақият, эҳтимол, ана шу бирликдандир, деб ўйладик. Ҳоким намуна сифатида бекорга бу ширкат хўжалигини тавсия қилмаган экан. Бекорга унинг раисини бошқаларга ибрат сифатида кўрсатай, деб айтмаган экан.

# Хавфсизлик ҳомийси, ҳамкорлик ҳаками

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти жаҳон сиёсат оламида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлган нуфузли халқаро ташкилотдир. 1994 йил охиригача у Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши деб аталар эди. Бу ташкилотга етмишинчи йилларнинг ўрталарида Европадаги 33 та давлат ҳамда АҚШ ва Канада раҳбарларининг кенгашида асос солинди. Унинг асосий ҳужжати Хельсинки якунловчи актидир. Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилиш истагини билдириб, якунловчи актга 1992 йилнинг февраль ойида имзо чеккан ва бу нуфузли халқаро ташкилотнинг ишида фаол қатнашиб келмоқда.

Ҳозир Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) таркибида 55 та иштирокчи давлат бор. Улар ўзларидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузумлардан қатъи назар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш асосида ҳамкорлик ўрнатиш мажбуриятини олишган. Иштирокчи давлатлар одамлар ўртасида алоқалар ўрнатиш, ахборотлар алмашиш, маданият, маориф соҳаларида ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишни ривожлантириш йўли билан халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашиш тўғрисида келишиб олишган. Шунингдек, ЕХҲТ минтақада турли низолар чиқишининг олдини олишда, инқирозларни бартараф этишда, низолардан кейинги қайта тиклаш ва муроса йўлини топиш жараёнларини бошқаришда бош воситачи ҳисобланади.

Ташкилот хавфсизликни таъминлаш масаласига ҳамкорлик асосида чуқур ва атрофлича ёндашади. Унинг эътибор доирасида қуролланиш устидан назорат ўрнатиш, ўзаро ишонч муҳитини яратиш, инсон ҳуқуқлари, сайловларни кузатиш, иқтисодий ҳамда экологик аҳвол билан боғлиқ кенг қамровли масалалар бор. ЕХҲТ фаолиятида қатнашаётган давлатлар бир хил мақомга эга, қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Эътиборли жиҳати шундаки, қабул қилинган қарор юридик эмас, балки сиёсий аҳамиятга эга. Шунга қарамасдан, ЕХҲТда халқаро ташкилотга хос барча тизимлар шаклланган: унинг доимий ишлаб турган марказий штаби ва муассасалари, иш ўринлари, бўлимлари, молиявий манбалари бор.

ЕХҲТнинг учрашув ва кенгашларида қабул қилинган ҳужжатлар юридик жиҳатдан халқаро шартномалар сирасига кирмайди. Бу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг манбалари ҳисобланади ва давлатлар зиммасига сиёсий мажбуриятлар юклайди. Уларни бажармаслик суд жавобгарлигига тортиш имконини бермайди. Шунга қарамасдан, ЕХҲТнинг ҳужжатлари энг юксак сиёсий даражада имзолангани учун ҳам худди халқаро ҳуқуқ доирасида қабул қилинган халқаро шартномалардек катта аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ЕХҲТ фаолиятининг асосини ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қамрови кенг. Гап инсон ҳуқуқлари ҳақида борар экан, турли давлатлар фуқаролари ўртасидаги никоҳ, алоқалар, борди-келдилар, ҳужжатлар расмийлаштириш, хориж журналистларига иш шароитлари яратиш билан боғлиқ масалалар ҳам ЕХҲТ доирасида ўз ечимини топганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Шунингдек, ЕХҲТ доирасида унинг фаолиятида қатнашаётган давлатлар ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликлари устидан назорат ўрнатишнинг такомиллашган тизими яратилган. Бу тизимнинг ижро механизмлари ҳам ишлаб чиқилган. Энг асосийси, 1989 йилда Венада ишлаб чиқилган механизм бўлиб, унинг ижроси тўрт йўналиш бўйича таъминланади. Биринчиси — ЕХҲТ ва унинг фаолиятида қатнашаётган давлатларнинг сўровларига, саволларига, тақдимномаларига ёзма равишда жавоб бериш ва ахборот алмашиш; иккинчиси — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига дахлдор муаммолар юзасидан икки томонлама учрашувларни уюштириш, учрашув вақти ва жойини белгилаш; учинчиси — ЕХҲТнинг ҳар қандай қатнашчиси ўзи зарур деб ҳисоблайдиган ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари билан боғлиқ вазиятга бошқа қатнашчиларнинг эътиборини жалб этиш; тўртинчиси — ЕХҲТнинг ҳар қандай қатнашчиси икки томонлама учрашувларнинг натижалари, конференция ва бошқа анжуманларнинг якунлари ҳақида ҳамда вазиятлар, воқеа-ҳодисалар тўғрисида ўзи хоҳлаган ахборотни олиш каби йўналишлардир. Бу йўналишлар бўйича ижро механизмлари яхши ишлайди. Назоратнинг бу таъсирчан ва шаклланган тизими давлат ўртасидаги ариза-шикоятларни кўриб чиқиб ҳал қилиш ҳолатини эслатади. Ҳеч бир сўров эътиборсиз, жавобсиз қолдирилмайди.

Вена механизми кейинчалик Копенгагенда (1990 йил), Москвада (1991 йил), Хельсинкида (1992 йил) ўтказилган учрашувларда такомиллаштирилиб, ҳужжатларда янги-янги ҳолатлар ўз ифодасини топди. Жумладан, мустақил экспертлар миссияси тизими таркиб топди.

ЕХҲТ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ўз фаолиятини, аввало, демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюроси орқали амалга оширади. Бюро иккита бўлимдан иборат. Биттаси сайловлар ўтказишни кузатади. Иккинчиси фуқаролик жамияти қуриш, демократияни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари билан шуғулланади. Бюронинг маркази Варшава шаҳрида жойлашган.

Ташкилотнинг бошқа тизимлари ҳам Европанинг турли шаҳарларида жойлашган. Жумладан, кам сонли миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар Нидерландиянинг Гаага шаҳрида фаолият кўрсатади. Олий комиссар низолар чиқиши мумкин бўлган ҳолатнинг олдини олиш ва низо чиққан тақдирда уни бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХҲТ вакили лавозими 1997 йилда таъсис этилган. Вакилнинг идораси Венада жойлашган.

Доимий Кенгаш ЕХҲТнинг мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлар олиб борадиган ва қарор қабул қиладиган етакчи органи ҳисобланади. ЕХҲТ фаолиятида қатнашаётган давлатларнинг доимий вакиллари — Доимий Кенгаш аъзолари ҳар ҳафтада Венадаги Хофбург анжуман марказида мажлис ўтказиб, ташкилотнинг ваколат доирасига кирувчи масалаларни муҳокама этадилар ва тегишли қарорлар қабул қиладилар. Шунингдек, Венада турли даражадаги делегациялар ўртасида ҳар хил норасмий учрашувлар ўтказилади. Бу ерда хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилишга бағишланган анжуманлар ҳам ўтказиб турилади. ЕХҲТ фаолиятида қатнашаётган давлатлар ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги Вазирлар Кенгаши учрашуви эса мунтазам тус олган. Бундан ташқари, бир неча йилда бир марта давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида олий даражада учрашув ўтказиб турилади. Охирги шундай учрашув Истанбулда ўтказилган.

Амалдаги раис бу нуфузли халқаро ташкилотнинг ижро фаолияти учун масъул ҳисобланади. Раис ҳар йили ротация асосида алмашиб туради. Яъни, давлатларнинг вакиллари навбат билан раислик қиладилар. Ҳозир бу вазифа Болгария вакили зиммасида. Бироқ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби Ян Кубиш ўз лавозимида кўп йилдан бери ишлаб келяпти: У Словакиядан. Бош котиб ЕХҲТнинг мақсадларини амалга оширишда раисга унинг бутун фаолияти доирасида ёрдам кўрсатади ва уни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, Бош котиб ташкилотнинг тизимлари ва фаолият жараёнларига раҳбарлик қилади. Котибият ташкилот фаолиятидаги изчилликни таъминлайди. Котибият таркибига Бош котиб аппарати, низоларнинг олдини олиш маркази, иқтисод ва атроф-муҳит бўйича ЕХҲТ фаолиятини йўналтириш хизмати ҳамда маъмурий-оператив департамент киради. Умуман, бошқарув Венадан амалга оширилади. Ташкилотнинг Прага бўлими эса ахборот-ҳужжатлаштиришни таъминлаш вазифасини бажаради.

Таъкидлаш жоизки, хавфсизлик ҳомийси ва ҳамкорлик ҳаками ҳисобланган бу халқаро ташкилотнинг фаолияти ҳар жиҳатдан диққатга сазовор. Унинг фаолиятида қатнашиш Ўзбекистон учун манфаатлидир.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# ОЛАМ НАФАСИ
## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Ироқда тўқнашувлар



Сўнгги ҳафтада дунё оммавий ахборот воситаларининг нигоҳи яна Ироққа қаратилди. Бағдоднинг ғарбий қисмидаги Анбар музофотида ўтказилган ҳарбий амалиётлар чоғида тўртта Америка денгиз пиёда аскари ўлдирилгач, Фаллуж шаҳри коалицион кучлар томонидан ўраб олинди. Умуман, қамал қилиш амалиётида 1200 аскар иштирок этаяпти.

АҚШ ҳарбийларининг қайд этишича, вафот этган денгиз пиёда аскарлари атайин қийнаб ўлдирилган. Аммо бу фожиа қачон ва ким томонидан амалга оширилгани аниқ эмас. Шаҳарни қамал қилишдан мақсад эса қотилларни топишдир.

Би-Би-Си мухбирининг хабар беришича, Фаллуж шаҳрида ўттиздан ортиқ бомба портлаган, автомат қуроллардан ўқ узилган. Душанба куни шаҳарда комендантлик соати жорий қилинди. Аҳолига қурол олиб юриш ва гуруҳ бўлиб бир жойга тўпланиш тақиқланган.

Куни кеча пойтахтнинг ғарбида жойлашган Ромади шаҳрида ҳам 12 нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлгани тўғрисида хабарлар тарқалди.

Бағдодда эса коалицион кучлар ва шиалар етакчиси Мухтад Садр тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда. Оқибатда 50 киши ҳалок бўлди. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида коалицион кучлар вакилининг таъкидлашича, Садрни қамоққа олиш тўғрисида ордер берилган. Ўтган якшанба куни шиалар етакчисининг яқин сафдошларидан бири ҳибсга олинган эди. Бу оммавий тўполонларни келтириб чиқарди.

АҚШ ҳарбийлари Садрни музофотларда ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олишга уринишда айбламоқда ва бу ишларга панжа орасидан қараб турмасликларини айтмоқдалар. Мухтад Садр ўзи яширинган масжидни ташлаб, мусулмонлар учун муқаддас бўлган Нажаф шаҳрига йўл олди. Садрнинг қайд этишича, у шу йўл билан бундан буёнги қон тўкилишининг олдини олган эмиш.

Тўқнашувлар давом этаётганига қарамай, ҳозирча вазиятни коалицион кучлар назорат қилиб турибди.

Агар вазият издан чиққудек бўлса, биз қўшимча куч ташлашга тайёрмиз, деди АҚШ армияси марказий қўмондонлиги вакили. Унинг гапига қараганда, қўмондонликка вазиятга қараб режа ишлаб чиқиш топширилган. Аммо армия раҳбарлари бундай режа керак бўлмаслигига, можаролар яқин кунларда барҳам топишига ишонч билдирмоқдалар.

## Террорчиликнинг олди олинди

Буюк Британия ва АҚШ махсус хизмати Британияда кимёвий бомба портлатишни режалаштирган бир гуруҳ террорчиларни ушлаганликларини маълум қилишди. Мутахассисларнинг айтишича, бомбадаги портловчи модда таркибида тетроксид гази бўлган ва бу газ тарқалиб кетганда кўплаб аҳоли ҳаётига хавф солиши мумкин эди. Мазкур хунрезликни режалаштирганлар «Ал-Қоида» ҳаракатини ёқловчилар бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

## Янги ҳукумат тузилади

Ёсир Арофат Фаластин мухторияти ҳудудида янги ҳукумат тузишни мўлжаллаб турибди. Бу ҳукумат Фаластин маъмуриятига мухолифатда бўлмайди. Манбаларда айтилишича, Ёсир Арофат янги ҳукумат таркибига «Ислом жиҳоди» ва «Хамас» вакилларини ҳам киритиши мумкин.

## Президентга суиқасд



Ингушетия президенти Мурат Зязиковга суиқасд уюштирилди. Оқибатда у енгил тан жароҳати олди. Бундан ташқари, суиқасд чоғида президентнинг тўрт қўриқчиси ва икки нафар аҳоли ҳам жароҳатланган. Президент матбуот котиби Исса Мержоевнинг Би-Би-Си мухбирига берган интервьюсида айтишича, портловчи модда жойлаштирилган машина кортежга келиб урилган.

Мурат Зязиков бу суиқасдни Ингушетиядаги барқарор вазиятни издан чиқаришга уриниш, дея баҳолади.

## Автоҳалокатлар сабаб...



Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Жаҳон банки эълон қилган маълумотларга қараганда, ҳар куни йўлларда содир бўлаётган автоҳалокатлар туфайли уч мингга яқин одам қурбон бўлаяпти. Йил давомида эса қурбонлар сони 1,1 миллионни ташкил этади. Бундан ташқари, маълумотда ҳар йили автоҳалокатдан ўртача 50 миллион одам оғир жароҳат олаётгани ёки бир умрга ногирон бўлиб қолаётгани қайд этилган.

Мутахассислар вазият шу тариқа ривожланиб борса, 2020 йилга келиб, автоҳалокатлар ОИТСдан кўра кўпроқ одамлар ҳаётига зомин бўлиши мумкинлигидан ташвишланишмоқда.

## ЭТА айирмачиларига тегишли экан

Франция полицияси мамлакатнинг Испания билан чегарадош ҳудудида жойлашган Сэн-Жан-Пье-де-Пор шаҳарчасидаги фермаларнинг бирида ЭТА айирмачиларига тегишли қурол ишлаб чиқарувчи цехни топдилар. Полиция вакилининг айтишича, ўтган жума куни айирмачиларга алоқадорликда гумон қилиниб қўлга олинган икки шахс бу сирни ошкор этишган.

Воқеа жойидан хабар қилинишича, фермадан қурол ишлаб чиқарувчи технология, ракеталар ва катта миқдорда портловчи моддалар топилган.

## Тинчлик йўлида фойдаланаяпти

Washington Post газетасида эълон қилинган мақолада Бразилия ҳукумати Рио-де-Жанейродаги ядровий тадқиқотлар заводига МАГАТЭ инспекторларини киритмаётганлиги айтилади.

Бироқ Бразилия ҳукумати бу борадаги барча айбловларни рад этди. Илм-фан вазири Эдуардо Кампуснинг маҳаллий Globo ахборот агентлигига берган интервьюсида таъкидланишича, Бразилия ўзининг ядро дастуридан фақат тинчлик йўлида фойдаланаяпти.

## Маҳбуслар талаби

Эквадордаги бир қатор қамоқхоналарда маҳбуслар ўтган сешанба кунидан буён 300 нафар одамни гаровга олганлар. Улар орасида икки полиция ходими ҳамда уч журналист ҳам бор. Мамлакат жанубидаги Гуаякиль шаҳридаги аёллар қамоқхонасида икки полиция ходими гаровга олинган. Маҳбуслар қўяётган талаблари бажарилмаса, ўзлари билан газ баллонларни портлатиб юборишларини билдиришмоқда.



ИТАР-ТАСС тарқатган хабарда мамлакат пойтахти Кито шаҳридаги қамоқхоналарнинг бирида ҳам маҳбуслар 160 нафар одамни ушлаб турганлиги, улар орасида маҳаллий телекомпаниянинг уч журналисти борлиги айтилади. Исён кўтарган маҳбуслар қамоқхоналардаги шароитни яхшилаш ва жазо муддатини қисқартиришни талаб қилишмоқда.

## Ҳарбийлар жўнатилмайди

АҚШ Давлат департаменти Вашингтон Покистонга «Ал-Қоида» жангариларини қидириш учун Америка ҳарбийларини жўнатишни режалаштирмаётганлигини маълум қилди. Тахмин қилинишича, жангарилар Афғонистон чегараларидан узоққа кетмаган.

Покистон ахборот вазири шайх Рашид Аҳмаднинг айтишича, миллий армия мамлакат ҳудудидаги террорчиларни йўқ қилишга қодир.

# Импичмент эълон қилинди

Литва сейми кўпчилик овоз билан мамлакат президенти Ролландас Паксасга импичмент эълон қилди. Маълум бўлишича, у мамлакат конституциясига зид фаолият олиб борган.

Парламент депутатлари президент молиявий ёрдам эвазига россиялик тадбиркор Юрий Борисовга Литва фуқаролигини олишда ёрдам берган деб ҳисобламоқдалар. Бундан ташқари, у махфий маълумотларни фош этиш ва хусусий тадбиркорликка ўз таъсирини ўтказганликда айбланмоқда.



Паксас эса қўйилган айбларни рад этиб, буни сиёсий рақибларим иши дея таърифлади.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Литва махсус хизмати ҳисоботида президент маслаҳатчиларидан бир нечтасининг жиноий гуруҳлар билан алоқаси борлиги тўғрисида маълумот берилган эди. Ўша ҳисоботда бу ишларга президентнинг алоқадорлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, парламент аъзолари рўй берган воқеалар Паксасга таъсир кўрсатган бўлиши мумкин деган хулосага келдилар.

Таъкидланишича, парламент текширувларида президентга қўйилган бир неча айб ўз тасдиғини топмаган. Бироқ Юрий Борисовга Литва фуқаролиги олишда ёрдам берганлиги тўғрисидаги айбловни Паксас рад эта олмади. Маълумотларга қараганда, Паксас тадбиркор Юрий Борисовга фуқароликни президент сайловларида иккинчи маротаба ғалаба қозонганидан кейин тақдим этган. Борисов сайловда Паксаснинг ҳомийларидан бири бўлганлиги ҳам аниқланди.

Бу воқеалар мамлакатда Россия Литва ички ишларига аралашмоқда деган фикрлар тарқалишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, бу можаролар Литва Европа Иттифоқига киришига оз фурсат қолганда бошланган вазиятни янада мураккаблаштирди.

**Хуршид РАУПОВ.**

### Экология ойнаси

## Калтакесаклар хавф остида

Угандaнинг қалин ўрмонлар билан қопланган Буньора ва Кигези туманлари аҳолиси янги бизнесни ўзлаштирди. Улар калтакесак тутиб, Европа давлатларига сотиш билан шуғулланишмоқда. Табиатга қараб ўз рангини ўзгартирадиган бу жониворларга қўҳна қитъада қизиқиш ортиб бормоқда. Одамлар калтакесакларни сотиб олиб, уйларида боқмоқдалар.

Бу ҳолдан экологлар ташвишга тушаяптилар. Уларнинг фикрича, бу бизнес тури устидан назорат ўрнатилмаса, яқин йилларда Уганда ўрмонларида хамелеонлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин.

## Ёзни ўтказишга келишди

Мексиканинг Қуйи Калифорния ярим ороли қирғоқларини ювиб турувчи иссиқ сувларга ҳар йили апрель-май ойларида кўплаб китлар келади. Улар бу ерга ёзни ўтказиш ва кўпайиш учун келишади. Бу йил энг йирик сут эмизувчиларнинг жуда катта партияси келиши кутилмоқда. Маълумотларга қараганда, аллақачон Охо-де-Льебра кўрфазига 2011 та кит келиб улгурган. Мутахассислар уларнинг кўрфазда тиқилиб қолишидан хавотирда.

**Д. ЭГАМҚУЛОВА тайёрлади.**

### Футбол

# МИСР — АСОСИЙ ДАЪВОГАР

2010 йилда Африка қитъаси аҳолиси муҳим бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлади. Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА янги асрнинг биринчи ўн йиллигидаги жаҳон чемпионати финал ўйинларини ушбу қитъада ўтказишга қарор қилди. Ҳар тўрт йилда бир бор ташкил этиладиган бундай нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш учун бугун Миср, Ливия, Тунис, Марокаш ва Жанубий Африка Республикаси даъвогарлик қилмоқда. Ушбу мамлакатлар "мундиал"ни ўз майдонларида ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 2003 йил 30 сентябрь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмаси президенти Йозеф Блаттер, бош котиб, доктор Орис Ленси ва назорат комиссияси раиси Жан Питерз бошчилигидаги ФИФА раҳбарларига ўз баёнот папкаларини топширдилар.

Табиийки, жаҳон чемпионатини ўз майдонларида ўтказишга талабгор давлатларга ФИФА ўзининг шартларини қўяди. Талабгорлар ҳар бири ўзида 40 мингта томошабинни сиғдира оладиган саккизта стадионга, аъло даражадаги транспорт ва меҳмонхона хизмати ҳамда чемпионатни кенг миқёсда ёритиб берувчи ахборот воситаларига эга бўлиши керак. Шунингдек, мусобақалар кўнгилдагидек ўтиши учун муносиб об-ҳаво ҳамда тинчлик ва осойишталик зарур. Энг асосийси, ҳукумат ва халқ бу мусобақанинг ўз мамлакатида ўтказилишини қўллаб-қувватлаши лозим.

Ҳозирча ФИФА бир қарорга келгани йўқ. Лекин мезбонлик қилиш учун юқорида номлари зикр этилган давлатларнинг имкониятларини чамалаганда Мисрнинг имкониятлари юқорилигига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун Мисрнинг имкониятлари юқори?

Аввало, ФИФАнинг шартларига эътибор қаратсак, унда ҳукумат ва халқнинг жаҳон чемпионатини ўтказишга бўлган иштиёқига алоҳида тўхталинади. Миср эса бу борада "рақиб"ларидан анча илгарилаб кетган. Хусусан, Миср Араб Республикаси президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак ҳукумат ва халқи номидан сўзга чиқиб, мамлакат бундай нуфузли баҳсларни ўтказишга жуда катта хоҳиш билдираётганини айтди. Қолаверса, президент ФИФА раҳбарларига Миср бу тадбирнинг муваффақиятли ўтиши учун бор кучини аямаслигини ҳам таъкидлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон чемпионати финал ўйинларини муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида Миср фахрий делегациясини ташкил қилишга қарор қилинди. Делегация раиси этиб Халқ мажлиси раиси Аҳмад Фатхи Сурур тайинланди. Ёшлар ишлари вазири Алиюддин Ҳилол ҳам бу ишларга жалб этилди. Бу эса "мундиал" финал ўйинларининг Мисрда ўтказилишини бутун мамлакат ёшлари қўллаб-қувватлашини билдиради.

Мисрни футбол ватани, деса ҳам бўлади. Кўпчиликда гольф Шотландияда, футбол Англияда, қўл тўпи Германияда пайдо бўлган, деган фикр юради. Лекин мана шуларга ўхшаш ўйинлар бундан минглаб йиллар илгари Мисрда бўлганлигини эҳромлардаги турли расмлар тасдиқлайди. Бу ҳақиқатни тасдиқловчи ҳужжатли фильм ФИФА расмийларига намойиш этилди. Миср Африка давлатлари ичида кўпгина спорт турлари, жумладан, футбол соҳасида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, қитъада биринчи бўлиб миллий футбол федерациясини тузган, биринчи бўлиб Африка давлатлари иттифоқига асос солган, қитъа давлатлари орасида илк бор 1921 йили Амстердамда ўтказилган Олимпиада ўйинларида иштирок этган ва қитъа шарафини 1934 йил Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати финал ўйинларида биринчи бўлиб ҳимоя қилган давлат ҳам Миср бўлади. Шунингдек, ушбу мамлакат 1991 йилда Африка ўйинлари мусобақасини ташкил этган. Бу юрт футболчилари тўрт бор Африка чемпионлигини қўлга киритишган. Бундан ташқари, Миср БМТнинг собиқ бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий, илм ва адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган профессор Аҳмад Зувайл, таниқли ёзувчи Нажиб Маҳфуз каби дунёга машҳур инсонлар ватанидир.



Маданий, тарихий ва географик жиҳатдан олиб қараганда ҳам, қитъада ўхшаши йўқ бу юрт 2010 йилги жаҳон чемпионати мусобақаларига мезбонлик қилишга энг қулай мамлакатдир. Мисрнинг мўътадил иқлими ва об-ҳаво шароити футбол учун жуда мосдир. Географик жиҳатдан Африкани Европа ва Яқин Шарқ билан боғлайди. Бу эса мусобақа иштирокчиларига қийинчилик туғдирмайди. Уларнинг Мисрга кириб келишини осонлаштиради. Бой тарихи ҳам ишқибозларнинг янада кўпайишига сабаб бўлади.

Миср Ёшлар ишлари вазири Алиюддин Ҳилол ҳам юртимиз мусобақага мезбонлик қилиш борасида қитъадошларига нисбатан имкониятлари анча кенглигига алоҳида тўхталди:

— Биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт нуқтаи назаридан Миср футбол мусобақалари ўтказишда катта тажрибага эга, — дейди у.— Иккинчидан, Африка қитъасида мамлакатимиз муҳим ўрин тутади. Спорт бошқарув марказларининг анчагинаси Қоҳирада жойлашган. Учинчидан, барча ҳудудларимизда осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу бошқа давлатлар билан солиштирганда, яққол намоён бўлади. Булардан ташқари, Миср кўплаб спорт мусобақалари ўтказиш бўйича катта тажрибага эга. Шу билан бирга, дунёдаги кўплаб машҳур жамоаларда мисрлик профессионал футболчилар тўп сурмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, "Миср ушбу нуфузли мусобақани ўтказишга ҳақлими?", деган саволни биз дўст ва биродар давлатлар вакилларига берамиз. Ишонамизки, мамлакатимиз билан дўстона алоқалар ўрнатган ўзбекистонликлар бу борада бизни қўллаб-қувватлашади.

**Элдерс Халаф ШОКР,**
**профессор, МАРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси, Миср маданият маркази мудири.**

*Газетамизнинг 2004 йил 11 февраль сонида "Фанлар олимпиадаси билимлар синовими ёки ўқитувчилар пойгаси?" номли мақола эълон қилинган эди. Унда республикамиз вилоятлари, туманлари ва мактабларида ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган фанлар олимпиадаларидаги баъзи нохуш ҳолатлар қаламга олинганди. Танқид кучи – таъсирда, дейдилар. Мақолада айтилган мулоҳазаларимиз кимларнидир фикрлашга, ўз ўйларини баён этишга туртки берганидан хурсандмиз. Кўплаб қўнғироқлар бўлди, турли давраларда фикр-мулоҳазалар эшитдик. Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Паймард қишлоғидан И. Исматов, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Қўнғирот қишлоғидан Р. Қўрғонова, Наманган вилояти Мингбулоқ тумани, Терак қишлоғидан А. Раҳимов, Термиз шаҳрида яшовчи Н. Тўраев, Нукус шаҳридан О. Камолов ва бошқалар ўз фикрларини мактублари орқали ўртоқлашишди. Улардан айримлари билан таништиришни лозим топдик.*

**Баҳс**

# Пойга эмас, синов

## Кўнгилдаги гаплар

Фанлар олимпиадаси тўғрисидаги мулоҳазали мақолада кўпчилик маорифчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларни ўйлантириб келаётган муаммолар кўтарилган, деб ҳисоблайман. Журналистлар аниқлаган фактлар тўғри. Масаланинг маънавий ва моддий томонларини ҳисобга оладиган бўлсак, тўрт босқичли беллашувда қанчадан-қанча инсонларнинг вақти, асаби, маблағи сарфланади. Бунинг устига баъзи бир "тадбиркор"лар анча даромад қилади.

Иккинчи босқичдан сараланиб келган билимдонларнинг кўпчилиги 76 баллдан паст натижа кўрсатишади. Ҳаттоки 100 имкониятдан 10-20 балл жамғарганлар ҳам учрайди. Вилоятга келиб, компьютерни яхши билмаганлиги учун умуман балл тўплай олмаётганлар айбни кимга, нимага йўйишсин?

Қишлоқ мактаблари ўғил-қизлари билан шаҳар, лицей, коллеж, махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларига бир хил талаб қўйилиши, назаримизда, адолатдан эмас.

Республика олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллаган 11-синф ўқувчиларига, вилоят мусобақасида биринчиликни эгаллаган 9-синфларга имтиёзлар берилган. Аммо бошқа қатнашчиларга-чи?

Олимпиадалардан ташқари ҳам ҳар хил мусобақалар кўпайиб кетган. Баъзи мактабларда ўқувчилар дарслардан қолиб шундай тадбирларда вақтини ўтказаяпти. Буларга ҳам чек қўйиш керак.

Менимча, фан олимпиадалари мажбурий тадбирга, буйруқбозликка айлантирилмаслиги керак. Иқтидорлиларни рағбатлантириш эркин бўлмоғи лозим.

Фан олимпиадалари ўтказишни Давлат тест марказига топшириш мақсадга мувофиқ. Бериладиган тестлар, амалий ва ёзма ишлар, оғзаки жавоблар Давлат таълим стандартларига мос келиши, Марказ томонидан қатъий назоратга олиниши керак. Хуллас, фан олимпиадаларини жаҳон андозалари даражасига келтириш тарафдориман.

**Н. ТЎРАЕВ.**
**Термиз шаҳри.**




## Муаммо тўғри кўтарилган, лекин...

Муаллифлар бугунги куннинг долзарб мавзуини кўтариб чиқишган. Бироқ ундаги ҳамма фикрларни тўғри деб бўлмайди. Мақолада шундай ёзилади: "Ўқувчи (мақолада аслида ўқитувчи) ўз ҳолича танлов қилади. Яқинда олимпиада бўларкан, сен палончи, менинг фанимдан қатнашасан, тамом-вассалом", деган сўз умуман нотўғри, ёлғон.

Бизда бундай эмас. Ўқув даргоҳимизда мактаб, шаҳар ва республика миқёсидаги олимпиадага кучли, билимли, қобилиятли ўқувчи хоҳишига қараб иштирок қилади. Бунинг учун 5-6 ой олдин тайёргарлик бошланади, ҳафтасига икки-уч марта дарсдан бўш вақтларда ўқувчига қўшимча машғулот ўтказилади.

Мактабимиз тўрт йилдан буён шаҳар ва республика олимпиадаларида 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Мақола муаллифлари яна шундай ёзишади: «Ўқитувчилар тайёргарликка зўр беришади. Туманга югуришади, таниш-билиш, ошна-оғайни, амма, тоға, холаларини ишга солишади». Бу хато гап, нотўғри. Республика олимпиадасига тест саволлари ва ёзма ишлар бизга Тошкент шаҳридан келади-ку, амма-хола, таниш-билишни қандай қилиб ишга соламиз? Қолаверса, тестда беш-олтита ота-она назоратчи бўлиб қатнашади. Бундай пайтда ўқувчига қандай ёрдам берилади? Олимпиадада пухта тайёргарлик кўрган ва кучли билимга эга бўлган, ўз билимига ишонган ўқувчигина ўрин эгаллай олади.

Мен 2000 йилда директор этиб тайинланганимда шаҳар мактаблари орасида 43-ўринни эгаллаган бўлса, ҳозирги кунда 1-ўринда. Бундай натижаларга эришиш мактабимиз ўқитувчилар орасида тест синови ўтказиб, билими саёз 60 нафар ўқитувчини ишдан четлатиш (?)га сабаб бўлди, деб ўйлайман. 2001 ўқув йилида 10, 2002 ўқув йилида 11, бу йили 20 нафар ўқувчимиз фахрли ўрин олди. Шулардан 6 нафари 1-ўринни эгаллади. Шахсан ўзим тайёрлаган Э. Идиятдинова жаҳон олимпиадасида қатнашишга муяссар бўлди. Қўлга киритган муваффақиятларимизга ҳеч қандай амма-хола, ошна-оғайнининг алоқаси йўқ. Бунга тинимсиз меҳнат, ўқиш, изланиш орқасидан эришдик десам, асло хато бўлмайди.

Мақолада яна шундай жумлалар келтирилади: "Олимпиадаларда ўқувчига қўйилган баҳо шу фан муаллимига қўйилган баҳодир. Илм даргоҳининг мазкур билимлар синовида эгаллаган ўрни шу мактабда олиб борилаётган таълим-тарбия ишининг даражасини белгилайди". Бу ҳақ ва жуда тўғри айтилган гап.

Шунингдек, мақолада бугунги куннинг долзарб масаласи кўтариб чиқилган. «Ўқувчиларга бериладиган тест саволлари ёки ёзма ишларни мактаб ўқувчисигина эмас, ҳатто институт, университет ўқитувчиси ҳам еча олмайди», деган фикрларга тўлиқ қўшиламан. Олимпиада лицей, коллеж талабалари ўртасида алоҳида, мактаб ўқувчилари ўртасида алоҳида ўтказилса, мақолада айтилганидек, нур устига аъло нур бўларди.

Олимпиада ўтказишда Қорақалпоғистонда яна бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда. Бизда кўпгина дарслар қорақалпоқ тилида олиб борилади. Аммо тест саволлари ўзбек тилида тузилади. Қорақалпоқ тилида таълим олаётган ўқувчилар учун физика, химия, математика ва бошқа аниқ фанлардан саволларни Давлат тест маркази қорақалпоқча тузса мақсадга мувофиқ бўларди.

**О. КАМОЛОВ,**
**Нукус шаҳридаги 22-мактаб директори, техника фанлари номзоди.**

*Хурматли домламиз баъзи ўринларда масаланинг туб мағзига унча етиб бормай фикр билдирган, айрим ҳолларда мулоҳазаларимизни тушунмай нотўғри талқин қилган, ҳатто, айрим ўринларда ўз қарашларига ўзлари қарши борган бўлсалар-да, кўнгилларидан кечган гапларни куюнчаклик билан, очиқ-ойдин ёзгани учун у кишидан хурсанд бўлдик.*

*Мақола Халқ таълими вазирлигида тегишли ташкилотлар иштирокида кенг муҳокама қилинибди. Улардан расмий жавоб олдик.*

## Расмий жавоб

***"Газетада эълон қилинган мақола юзасидан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари олимпиадаси 3-вилоят босқичи натижалари ва умумтаълим фанларидан Республика босқичини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлиси ўтказилди. Мажлисда фанлар олимпиадасининг 3-босқичини ўтказиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар кенг кўламда таҳлил этилди.***

***Фан олимпиадаларининг 3-вилоят босқичини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнини етарлича назорат қилмаганлиги, йўл қўйилган жиддий камчилик ҳамда нуқсонлар учун 8 нафар раҳбар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. 6 нафар масъул ходимнинг лавозими пасайтирилди, 34 нафарига ҳайфсан эълон қилинди.***

***Фанлар олимпиадасининг Республика босқичини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ташкилий қўмитанинг қўшимча чора-тадбирлари белгиланди.***

Таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи:
Н.Рўзиқулов".

## Хуллас...

Ҳар қандай синов, беллашув, мусобақа негизи битта: берилган таълим-тарбиянинг ҳосиласини, натижасини кўриш, баҳолаш. Жумладан, фанлар олимпиадасини ўтказишдан мақсад туман, вилоят, республика миқёсида олиб қараганда мактабларда олиб борилаётган таълим-тарбиянинг савиясига баҳо бериш, фарзандларимиз билимини ўрганиш, имтиҳон қилиш. Биз ушбу масалани кўтаришда кимнингдир жазо олишини назарда тутмагандик. Фақатгина уни ўтказишда юқори ўринни эгаллайман деб ўқитувчи билимини биргина ўқувчига сарфлаб, синфдаги қолган 30-35 ўқувчининг тақдирига бефарқ бўлиб қолмаяптими, бу борада сохтагарчиликка юз бурмаяпмизми, деган мулоҳазаларга урғу бергандик.

Мулоҳазаларимиз боис, республикамизда таълим дастури изчил амалга оширилаётган айни паллада, фарзандларимизга билим бериш ва уларни синаш — олимпиадаларни тартибли ўтказиш ҳурматли халқ таълими мутасаддиларининг диққат марказидаги асосий масалага айланганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Чунки йил айланиб олимпиадалар ўтказиш мавсуми бошланади. Уларда энг билимдон, энг иқтидорли ўғил-қизларимиз билимлари холис баҳоланади, биз қаламга олган айрим нохушликларга янги ўқув йилида йўл қўйилмайди, деб умид билдириб қоламиз.

**Саид АНВАР, Рустам ЁРЛАҚАБОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**



*Халқимизда «Меҳнат инсонни улуғлайди» деган мақол бежиз айтилмаган. Қибрай тумани «Машина-трактор парки» ҳиссадорлик жамиятида иқтисодчи вазифасида ишлаётган Маъмурахон Қурбоналиева буни ўз ҳаётида бир неча бор ҳис этди. У ишга виждонан ёндошиб, йиллар давомида малакасини ошириб борди. Шу боис Қурбоналиевани нафақат ҳиссадорлик жамиятида, балки туманда ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Жамоа қўлга киритаётган муваффақиятларда иқтисодчининг ҳиссаси катта.*

**СУРАТДА: иқтисодчи Маъмурахон Қурбоналиева иш устида.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

**Газетада босилмади, аммо...**

***Қуйичирчиқ туманидаги 36-мактаб ўқитувчилари таҳририятга хат йўллаб, ойлик иш ҳақи ва нафақа пулларини вақтида ололмаётганликларини ёзишган эди.***



## Чора-тадбирлар белгиланди

*"Шикоят хати Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассислари томонидан жойида ўрганилди",* — дейилади мазкур мактуб юзасидан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.АҲЛИДДИНОВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда. — *"Олинган маълумотга кўра, туман молия бўлими ойлик маош учун маблағларни ўз вақтида молиялаштирганлигига қарамай, банк муассасалари уларни нақд пул билан таъминлаб бермаган. Натижада қарздорлик юзага келган. Эндиликда мактаб ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи ва нафақа тўловларини ўз вақтида бериш бўйича тегишли банк муассасалари билан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.*

*Таълим муассасаси жамоасининг ўтган йилги иш ҳақлари ва нафақа пуллари тўлаб берилди. Келгусида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш масаласи вазирликнинг, вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимининг назоратига олинди".*

---

**Ислоҳот масъулияти**

*Сариосиё тумани ўтган йили республикада пахта ва ғалла тайёрлаш режасини биринчи бўлиб уддалаганидан хабарингиз бор. Бу албатта, мақтовга сазовор. У республикамизнинг энг чекка туманларидан бири. Қўшни мамлакат – Тожикистонгача бир қадам. Айтишларича, унинг ҳудуди Андижон вилояти билан тенг экан.*

*Туманнинг вилоят маркази Термиздан икки юз километрча узоқликда жойлашганлиги баъзи ҳолларда муаммолар келтириб чиқариши табиий. Биз сафар мобайнида Сариосиёдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар, таълим-тарбия ишлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида қандай ишлар амалга оширилаётганлиги билан қизиқдик.*



# Чекка туман ташвишлари

## «Сизлар буни ёзолмайсизлар...»

— Биз шу ерда яшаб, ўрганиб қолганимиз учунми, баъзи ўзгариш ёки камчиликларни унча илғамаслигимиз мумкин. Ўзингиз бораётган экансиз, кўринг, фикрлашайлик, — дейди ҳамроҳимиз, туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Алмамат ака Жумаев.

Йўлга отландик. Суҳбат йўлни қисқартиради, дейишади. Бир вақт ҳайдовчи суҳбатга қўшилди.

— Юртимизда бир-биридан гўзал лицей, коллежлар қурилди, ишга туширилди. Бу ҳаммамизни қувонтиради. Аммо, уларни битириб чиққанлар, айниқса коллежни тамомлаганларнинг кўпи иш тополмаяпти. Биттаси менинг қизим, тиббиёт коллежини битирганига анча бўлишига қарамай, ҳозиргача ишга киролгани йўқ. Ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилаяпти, лекин битирадиганларни ишга жойлаштириш тўғрисида ҳам жиддий қайғуриш керак-да.

Манзилга яқинлашган сайин табиат кўриниши ҳам ўзгариб гўзаллашиб боради. Ниҳоят Сариосиёга етдик.

Хўш, биз юқорида айтган муаммолар нималардан иборат? Келинг, аввало, тумандаги мавжуд мактабларга оид қуйидаги айрим маълумотлар билан танишиб чиқайлик.

Бу ерда 71 та умумтаълим мактаби, 1 та иқтидорли ва 1 та истеъдодли болалар мактаб-интернати ҳамда санатория мактаб-интернати мавжуд. Шундан 13 таси авария ҳолатида. 17 та мактабни капитал реконструкциялаш, 27 таси капитал таъмирлаш лозим деб топилган. 2 та мактабда машғулотлар уч навбатда олиб борилади.

Табиийки, бу ўринда биринчи навбатда мактаблар таъмири, қурилиши қандай кетаяпти, ўқитувчилар малакаси қай даражада, деган фикр келади.

— Ҳокимликнинг халқ таълимига эътибори катта, — А. Жумаев фикримизни уққандай сўз бошлади. — Ҳоким ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида бешта фан бўйича беллашув ташкил этганмиз. 1-4 ўринларни қўлга киритган ўқувчиларга ўқув йили давомида ҳар ой 20 минг сўмдан рағбатлантирувчи мукофот бериб борилади. Тўғри, ўқувчилар биринчи галда бунинг учун ўқишга интилаётгани йўқ, лекин маънавий рағбат билан бирга моддий рағбат ҳам уларнинг янада яхшироқ билим олишига ёрдам беради, деб ўйлайман. Айни пайтда ўқитувчилар ҳам имкон қадар рағбатлантирилмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқиётган аксарият талабаларимиз моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб турибди.

— Бизга вилоят бўйича ушбу ўқув йилида учта мактаб очилди, дейишганди, — ҳамроҳимизга савол ташладик. — Уларнинг учови ҳам сизнинг туманингизда экан. Нега айнан шу ерда қурилди?

— Биласизми, — домла андиша билан сўзлай бошлади, — уларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан қурилган. Хўжаликлар, айрим якка шахслар ҳомийлик қилган. Кимдир ғишт, кимдир цемент дегандай... Улардан бири Сангардак қишлоғимизда қурилди. У бу ердан анча олисда, тоғли ҳудуд. Ўша ердаги 39-мактабимиз ҳам ҳашар йўли билан бунёд этилди. Қолгани ўша ерлик кишиларнинг ўз болаларини ўйлаб қилган иши... Хўжаликлар қурилиш материалидан қарашди, албатта. Имкон қадар жиҳозлар билан таъминлаганмиз. Бориб кўринглар.

Шу ўринда туман ҳокими П.Чориев билан бўлган суҳбатимиздаги қуйидаги гаплари эсга тушди:

— Туманимиз катта. Корхоналар унчалик кўп эмас. Чигит экишни анча олдин бошлаб юборганмиз. Молия вазирлигида 1 миллиард 700 минг сўмдан ошиқ пулимиз бор. Ҳалигача ололмаяпмиз. Сизлар буни ёзоласизларми, ўзи? Иш талаб қилишдан олдин одамларга ҳақ ҳам бериш керак-ку. Ҳомийликка келсак, уни бой одам қилади. Пули бўлмаса қаердан қилади? Шундай бўлса ҳам ўтган йили туман марказидаги болалар спорт комплексини қуриб фойдаланишга топширдик. Яна бири қайта реконструкция қилинаяпти...

— Умуман бу соҳанинг фидойилари қараб туришгани йўқ, ҳаракат қилишаяпти, — дейди А. Жумаев. — Масалан, Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги 7-мактабда ҳам 160 ўқувчига мўлжалланган қўшимча бино қурилди.

— Биз буни ўтган йили ёзда ҳашар йўли билан қурганмиз, – суҳбатга 42 йилдан бери ўқитувчилик қилаётган Чўпонкул ака Наимов қўшилди. — Унда биророта қурувчи иштирок этгани йўқ, ҳаммаси ўз ҳамкасбларимиз. Мақтанди десангиз ҳам, демасангиз ҳам айтаман. Кеча-кундуз ётиб ишладик. Анави нақшинкор эшикларни Саид муаллим ясади. Абдуҳалим, Фахриддин ва бошқа муаллимлар ғишт қуйди, лой ташиди, том ёпди. Хуллас, ўзимизнинг даргоҳимизни имкон қадар кенгайтирдик.

Уларнинг Республика Президентининг «2004–2008 йилларда Мактаблар таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Бу Фармойишни ўта ҳаяжон билан муҳокама қилдик, — дейди 7-мактаб ўқитувчиси Асқар Изотуллоев. — Унинг таъсир кучи ҳалитдан сезилаяпти. Ишонасизми, ҳатто бир пайтлар тирикчилик деб бошқа соҳага ўтиб кетган ҳамкасблар қайтиб кела бошлади. Мактаблар паспорти бўйича унинг ҳолатини энди юқоридагилар ҳам биладиди. Умуман, фикримча, мактаблар ҳаётида янги давр бошланганига шубҳа йўқ.

— Бу даргоҳда салкам қирқ беш йилдан буён ишлаб келаётган фидойи ўқитувчилар борлиги, улар бошчилигида савобли ишларни амалга ошираётганингизни фақат қутлаш керак. Лекин ишда муаммолар бўлмасдан иложи йўқ, — деймиз уларга. Шунда уларнинг бири қўйиб, бири гапира кетди.

— Олий маълумотли ўқитувчилар кам, дарсликлар етишмайди. Тўғри, айрим синф ўқувчилари дарсликларни ижара тизими асосида олиб фойдаланмоқда. Лекин ҳамма синф бу тизимга ўтмаган.

— Охирги марта қачон ойлик олдиларингиз? – сўраймиз ўқитувчилардан.

— Январь ойининг авансини олдик, – дейишди ўқитувчилар бир-бирига қараб. (Бу пайтда Наврўзнинг илк кунлари эди).

Тумандаги 9, 26- мактабларда бўлганимизда уларнинг таъмири анча тузук эканлиги қувонтирди. Физика, кимё фанлари бўйича лаборатория хоналарининг ишлаб турганини кўриб, очиғи жуда мамнун бўлдик. Айни пайтда спорт майдончаларининг торлиги, асосан футболга мослаштирилгани бу йўналишнинг оқсаётганини кўрсатиб турибди.

Умуман тумандаги таълим тизими сифатини кўтариш, ўқитувчилар малакасини ошириш, мактабларни газлаштириш, дарсликлар билан тўлиқ таъминлашга эришиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Бу борадаги ислоҳотлар масъулиятини эса унутиб бўлмайди.

## Дардга дармон борми?

Эл саломатлиги — тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишлар билан қизиқиб, туман марказий касалхонасига йўл оламиз.

— Ҳа, бино анча эски экан, бўяб оқлаб қўйишибди, — дейди бизга ҳамроҳ бўлган вилоят бўйича мухбиримиз Олимжон ака Усанов.

— Қачон қурилган?

— 1975 йилда, — жавоб беради бош шифокор Саломат опа Рамазонова. — Бу йил таъмирлаш, дори-дармонлар учун ҳар йилгидан анча кўп — 12 миллион сўм ажратилган. Ўтган йили 2 миллион атрофида эди. Ана бўлимларнинг айрим хоналарида таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Биз бўлимларни айланиб, беморлар билан ҳоли суҳбатлашишни сўрадик. Шошилинч тиббий ёрдам бўлимида жарроҳлик, терапия, болалар, травматология бўлимларини айландик. Тозалигини зўр десак ортиқча мақтаган бўламиз, ёмон десак ноинсофлик. Балки яқинда Республика СЭС ташкилотидан келиб кетишгани учун шундайдир. Баъзи бўлимларда таъмирлаш ишлари давом этаяпти.

Очиғи, бу ерда кўпчилик жойда бўлгани каби шифокорлар етишмас экан. Жами 263 шифокор фаолият кўрсатади. Ўрта тиббиёт ходими етарли. Ҳар йили ўнлаб ёшлар ўрта тиббиёт ходими касбини эгаллаб, ўқишни битириб келаяпти, аммо аксариятига иш йўқ.

Тумандаги жами 18 та тез ёрдам машинасининг 8 тасигина талаб даражасида хизмат кўрсата олади. Қолгани ҳаминқадар. Шошилинч тиббий ёрдам бўлимида рентген, УЗИ, ЭКГ каби зарур тиббий асбоб-ускуналар анча эскирган. Қўшимча хусусий УЗИ дан фойдаланилар экан.

— Рентген аппаратингиз ишламаяптими? — деган саволимизга жавобан бўлим жарроҳи А.Мирзаев плёнка ювадиган кимёвий дори вақтинча тугаб қолганлигини айтди.

Бўлимга атиги биттагина тез ёрдам машинаси хизмат кўрсатади. Маълумки, шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига беморлар асосан қишлоқ врачлик пунктлари орқали келади. Афсуски, кўпчилик ҚВП лар тез ёрдам машинаси билан таъминланмаган. Энди тумандаги ўн беш – йигирмата қишлоқнинг узоқ тоғ ҳудудида жойлашганини ҳисобга олсак, у ердаги аҳолининг аҳволи аён бўлади. Айтишларича, Усточ, Кундайжувоз каби қишлоқларга бориш учун икки кундан ортиқ вақт кетар экан.

Олис қишлоқлардан бири Газаракдаги ҚВП ни бориб кўрдик. Тўғри, 1999 йил ишга тушган бу муассаса анча саранжом-саришта, яхши таъмирланган. ЭКГ, УВЧ аппаратлари мавжуд. 2 нафар олий маълумотли врач, бир неча ҳамшира ишлайди.

— Юқоридаги қишлоқларда 4500 га яқин аҳолига хизмат кўрсатар экансизлар, машина йўқ, газ, телефон тармоғи бу ерга етиб келмаган. Беморларга чақирув, лозим топилса уларни марказий шифохонага олиб бориш масаласи қандай ҳал қиляпсизлар?

— Асосий муаммомиз ҳам шу, — дейди педиатр Абдуҳалим Ашуров. — Кўпинча одамларнинг ўзи бирор машина топади ёки туман марказига кетаётганлардан "Тез ёрдам"ни айтиб юборишни сўраймиз...

"Чароғон" қишлоқ врачлик пунктида 14 нафар ходим ишлайди. Олтита қишлоқ оралиғи анча узоқ. Бу ерда ҳам айрим тиббий аппаратлар етишмайди. Борлари эски. "Тез ёрдам" машинасига эришиш эса... У ердан чиқаётиб Олимжон ака ҚВП врачи С. Холбоевга дейди:

— Бу ҳовлининг тўсиқларини сал созлаш, бинони таъмирлаш кераккa ўхшайдими?

— Раис тузатамиз деган...

Тўғри, тумандаги ижтимоий соҳадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан бу йилги чора-тадбирлар режаси тузилган. Хусусан, марказий шифохона, тез тиббий ёрдам маркази, Дашнободдан ҚВП ни таъмирлаш, дори-дармон билан таъминлаш ишлари кутиб турибди. Бироқ бунинг учун Тўполон сув омбори ва ГЭС қурилиши бошқармаси, Пахта тозалаш заводи, Узун туман ўрмон хўжалиги, Сариосиё сув қурилиш ҳиссадорлик жамияти каби бир қатор ташкилотлар масъул ва ҳомий сифатида тайинланган. Аммо, йилнинг чорак қисми тугай деяптики, амалий ишлар кўлами кўринмайди.

Эски касаллик бўлса-да, яна бир гап: туманда кунига бир неча марта чироқ ўчиб тураркан. Ахир бундай шароитда барча ишхоналар, айниқса, тиббиёт муассасаларининг даволаш-профилактика ишларини меъёрида олиб бориш мумкинми?

Туманда тиббиёт ишларида ҳам ҳали кўплаб муаммолар мавжудлигини билиб, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг муовини К. Абдувоҳидовни суҳбатга тортамиз.

— Вилоят асосан тоғли ҳудуддан иборатлиги маълум қийинчиликларни туғдириши табиий, — дейди у бизга. — Боз устига Сариосиёнинг шундоқ биқинида Тожикистоннинг Регар алюмин заводи жойлашган. Ундан тарқалаётган заҳарли моддалар атрофдаги қишлоқ хўжалиги билан бирга аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу бир сабаб, баҳона деб тушунманг. Тўғри, иш бор жойда камчилик борлиги табиий. Аммо улар билан бирга қилинаётган ишларга ҳам кўзингиз тушгандир. Вилоят шошилинч тиббий ёрдам биноси капитал таъмирланди. Германиялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Улар ушбу муассасага бир миллион доллар миқдорида маблағ ажратишди. Эндокринология диспансери янги таъмирланган бинога кўчирилди. 1-сон шифохонанинг жарроҳлик бўлими учун янги бино қурилди ва ҳоказо. Биласиз, бошқа соҳадаги каби тиббиётда ҳам аввало малакали ходимлар ва моддий-техник база мустаҳкам бўлиши талаб қилинади. Албатта, биз ҳам излаган имкон топади, деган нақлни бот-бот такрорлаб, қўлимиздан келганча камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз...

## Сўнгги сўз ўрнида:

Биз олис туман ижтимоий ҳаётидаги икки соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар билан танишдик ва кўрган-билганларимизни қоғозга тўкиб солдик. Воқеаларни бўямадик ҳам, бежамадик ҳам. Ҳатто айрим ҳамкасбларимизнинг-да маслаҳатларига қулоқ тутмай — эшитганларимизга бадиий ишлов ҳам бермадик. Чекка туманда яшаётган одамларнинг қувончу ташвишларини ўқиб, газетхонларнинг ўзлари хулоса чиқаришсин. Зеро, ҳақиқат пардозланса-да, пардозланмаса-да, ҳар доим ҳам ширин бўлавермайди. Муҳими, уни тан олиш ва катта иштиёқ, саъй-ҳаракат ҳамда тинимсиз меҳнат билан юзага олиб чиқиш, уни одамларнинг манфаати ва турмуш тарзига йўналтириш керак бўлади. Ўйлаймизки, бу иш туман раҳбарияти, соҳа мутахассисларининг қўлидан келади. Яқин йилларда бу ҳақда газетамизга жўяли фикрлар ёзамиз ва илғор тажрибаларни бутун юртимизга ёямиз, дея умид қиламиз.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига 2004/2005 ўқув йили учун тингловчиларни қабул қилиш қоидалари

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонига мувофиқ, Академиянинг асосий вазифаси – давлат, жамоат ва хўжалик тузилмалари ходимлари ҳамда раҳбарлари орасидан истеъдодли, ақл-заковатли номзодларни пухта танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва профессионал савиясини ошириш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялашдан иборат.**

Ўқув жараёни комплекс хусусиятга эга бўлиб, таълим беришнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал жиҳатдан юксак малакали кадрларни етиштиришга қаратилган.

**Академия таркибида қуйидаги факультетлар мавжуд:**

1. Давлат ва жамият қурилиши (ўқиш муддати — 10 ой).
2. Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари (ўқиш муддати — 10 ой).
3. Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар (икки мутахассислик бўйича «Халқаро муносабатлар», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» (ўқиш муддати — 12,5 ой).

«Давлат ва жамият қурилиши», «Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари» факультетларига тингловчилар давлат ҳокимияти органларидаги жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, хўжалик тузилмаларининг раҳбар ходимлари сафидан танлаб олинади. Номзодлар олий маълумотли, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук, олий ўқув юртини битирганларидан сўнг камида икки йил меҳнат стажига эга бўлиши лозим.

«Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар» факультети тингловчилигига Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тизимининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, жамоат ва хўжалик тузилмаларида, ташқи алоқалар соҳасида иш стажига эга, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган олий маълумотли, чет тилларини биладиган, юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари, халқаро муносабатлар билан шуғулланувчи мутахассислар қабул қилинади.

Академияни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга танланган мутахассислик бўйича магистрлик дипломи берилади. Академияни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар сафидан раҳбарликка номзодлар захираси шакллантирилади. Академияни битирган тингловчилар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбарлик лавозимларига номзод танлашда алоҳида имтиёзга эга бўлади.

**1.** Академия тингловчилари сафига қабул қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг таркиби Академия ректори томонидан тасдиқланади.
**2.** Ҳужжатлар 1 майдан 31 майгача қабул қилинади.

*Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:*

- *давлат,жамоат ёки хўжалик тузилмалари,Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлигининг раҳбарияти томонидан имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ташкилий-назорат хизмати билан мувофиқлаштирилган тавсиянома;*
- *тавсия этилаётган шахснинг аризаси;*
- *олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *шахсий варақа;*
- *меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
- *086/у - шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *4х6 сантиметрли 6 та рангли фотосурат;*
- *маълумотнома (объективка);*
- *паспорт ва ҳарбий хизматга лаёқатлилик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

**3.** Академия тингловчилигига номзодлар учун кириш имтиҳонлари бўйича белгиланган фанлар асосида 2 июндан 11 июнга қадар консультациялар уюштирилади.
**4.** Кириш имтиҳонлари суҳбат ва компьютер-тест синовлари тарзида 14 июндан 25 июнга қадар ўтказилади.

*Тест синовлари мутахассисликларга қараб қуйидаги фанлар мажмуи асосида ўтказилади:*
*Давлат ва жамият қурилиши факультетига — Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод фанлари бўйича.*
*Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетига — иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент фанлари бўйича.*
*Бундан ташқари,ижтимоий-сиёсий мавзулар ва чет тили бўйича суҳбат ўтказилади.*
*Халқаро муносабатлар мутахассислиги — чет тили, Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод фанлари бўйича.*
*Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислиги — чет тили, иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент фанлари бўйича.*
*Шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий мавзу бўйича суҳбат ўтказилади.*

**5.** Танлов суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.
**6.** Академия манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар билан шартнома асосида ҳам тингловчилар қабул қилади ва таълим беради.
**7.** Шартнома асосида кирувчиларнинг ҳужжатлари 15 апрелдан 30 апрелга қадар қабул қилинади.

Ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келган тингловчиларга ўқиш даврининг бошида ва якунида сафар учун йўл ҳақи ва таҳсил даври мобайнида суткалик харажатлари асосий иш жойидан тўланади. Ўқиш даври мобайнида тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Ётоқхона учун тўловлар тингловчини таълим олишга юбораётган корхона (муассаса) томонидан амалга оширилади. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинган тингловчилар учун ётоқхона харажатлари ўз ҳисобидан тўланиши ҳам кўзда тутилади.

**8.** Қабул комиссиясининг қарори 2004 йил 1 июлдан кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор асосида тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқлар расмийлаштирилади.

***Ўқиш 2 сентябрдан бошланади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй. Тел.: 132-60-72, 132-61-43.**









*«Аъло сифат — арзон нарх» нисбатини таъминлаш осон масала эмас. Чунки юксак сифат ҳар доим юқори нархни тақозо этади. COSCOM компанияси Ўзбекистондаги уяли операторлар орасида биринчи бўлиб янгича тушунчани жорий этмоқда: «Сифатли тармоқ — адолатли нарх». Бу нимани англатади?*

# COSCOM: Аъло сифат, арзон нарх

Биз кўникиб қолганмиз: нархлар ё баланд, ё паст ёки мақбул бўлади. Аммо «адолатли нарх»?! Гап шундаки, юксак технологияли техника ишлаб чиқарувчи ҳар қандай субъект (тезкор алоқа воситалари ҳам шулар сирасига киради, албатта) ишлаб чиқариш харажатлари, солиқ ва режалаштирилган фойдадан ташқари илмий изланишларга кетадиган харажатларни ҳам ускуналар таннархига киритади. Шунинг учун телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш бўйича етакчи компаниялар доимо нархни баланд қўядилар. Бироқ, уларнинг маҳсулотлари ҳам ҳар доим ўзининг юксак технологик салоҳияти ва янгилиги билан ажралиб туради (сервис хизматининг ишончли ва сифатли эканлигини айтмаса ҳам бўлади).

Уяли алоқа оператори хизматининг нархи ҳақида гап борганда, ушбу нарх фақат ўрнатилган ускуналарнинг қопланиш харажатлари, солиқ ва ишлаб чиқариш харажатлари тўловинигина (юқори малакали ходимларнинг меҳнат ҳақлари ҳам шунга киради) эмас, шунингдек, тармоқни кенгайтириб ва янгилаб бориш, оператор тармоғининг янги хизмат турларини кўпайтириш учун олдиндан тўловларни ҳам ўз ичига олиши лозим. Айнан шу боис COSCOM компанияси «адолатли нарх» янги тушунчасини, яъни ҳам компания абонентлари, ҳам оператор учун адолатли (одамларнинг қурби етадиган даражада бўлган) нархларни жорий этмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тезкор алоқадан энг фаол фойдаланувчиларнинг кўпчилиги бир компаниядан иккинчисига ўзлари ёқтирмаган ҳолда ўтаяпти, бу айрим ҳоллардагина юз бераётир. Чунки улар учун кўникиб қолишган шахсий уяли телефон рақамларини йўқотиш ўз номларини йўқотиш билан баробар. Бу, аввало, кўплаб бизнес алоқасига эга бўлганларга тааллуқли. Сабаби — ўз шериклари, дўстлари ва танишларининг ҳаммасига телефон рақами ўзгарганини хабар қилишнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Айнан COSCOM компаниясининг сифатли хизмати учун «адолатли нарх» абонентнинг кўникиб қолган телефон рақамидан ажралмай, ўз хоҳиши билан COSCOM абонентлари сафида қолишини кафолатлайди.

Тадқиқотлар яна шуни кўрсатмоқдаки, рақобатчилар билан кечадиган кучли кураш жараёнида кўпроқ абонентларни жалб этиш мақсадида уларга ўз хизматлари учун жуда паст нархларни тақдим этган компаниялар — уяли операторлар кейинчалик ўз фаолиятларини кенгайтириш учун зарур бўладиган маблағлардан ажраб, оқибатда сифат жиҳатидан энг паст, кўлам жиҳатидан эса энг кам хизмат турларини тавсия этмоқдалар. Юксак технологиялар оламида техника ва технологиялар ҳар 2-3 йилда алмашиб туриши ҳисобга олинса, бундай компанияларнинг инқирозга учраши аниқ. Алоқа оламида ҳар доим нарх эмас, балки алоқанинг сифати қадрланган. Токи, истаган вақтда қўнғироқ қилиш, ҳар қандай жойда гаплашиш, бир-бирининг овозини, худди ёнма-ён туриб гаплашаётгандек, тиниқ эшитиш мумкин бўлсин. Бугунги кунда фақат COSCOM шундай сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Сифатли хизматга адолатли нарх COSCOM компанияси учун ўз тармоқларини янгилаш ва кенгайтириш заруратига етарли маблағ топиш, шунингдек, янги сервис турларини жорий этиш имкониятини бермоқда. COSCOM компаниясининг асосий шиори шундай: «Биз фақат жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг энг сифатли техникаларидан фойдаланамиз». Бир кеча-кундузда 24 соат, ҳафтада 7 кун, бир йилда 365 кун юксак сифатли алоқани қандай қилиб кафолатлаш мумкин? COSCOM тармоқлари Alcatel ва Motorola каби жаҳонда тан олинган етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг ускуналари асосида ишлайди. Компания 2003 йилда собиқ иттифоқ ҳудудида иккинчи бўлиб 500 минг абонент учун «Alcatel 1000S12» «интеллектуал» компанияларни ишга туширди. 2004 йилнинг боши эса COSCOM учун «янги сифатли тармоқ»ни қуриш даври бўлди. Бу нимани англатади?

COSCOM тармоғидаги алоқа сифати ҳар доим яхши бўлган. Аммо бугунги кунда дунёнинг исталган нуқтасида Ўзбекистонни айтмаса ҳам бўлади, шунчаки COSCOM абонентларининг тезкор алоқаси мавжудлиги эмас, балки сифатли алоқага эгалик биринчи даражали масала бўлиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, абонент суҳбатдошининг майин, оҳангдор товушини эшитибгина қолмай, унинг табассумини ҳам ҳис этсин. Бир йирик бизнесчининг таъкидлашича, у ўз операторининг сифатли алоқаси туфайли қарийб миллиард доллар маблағини асраб қолибди. Чунки, у қўнғироқ қилувчининг овозидаги сохта оҳангни сезиб қолиб, шубҳали битимни рад этибди.

COSCOM компанияси алоқа янада сифатли бўлишига интилмоқда. Жумладан, у шу йил 17 февралдаги қўшма тақдимот чоғида жаҳондаги етакчи Motorola компаниясининг энг янги технологияли 60 дан зиёд базавий станциясини ишга туширишни охирига етказаётганини маълум қилди.



Шуни таъкидлаш жоизки, Motorola COSCOMга сўнгги авлодга мансуб Horizon II базавий станцияларни етказиб бермоқда. Компания ушбу станцияларни ишлаб чиқаришни 2003 йил ноябрда ўзлаштирди. Улар шу қадар янгики, юқори даражадаги технологик ускуналар сирасига киради ва унинг экспорти АҚШ ҳукумати томонидан назорат қилинади. COSCOM эса, МДҲда ушбу базавий станциялардан фойдаланаётган биринчи оператор бўлди. Horizon II жаҳондаги энг кичик (ихчам) базавий станция бўлиб, юксак даражада илғаш имкониятини беради. У тезкор алоқанинг базавий станцияси учун ҳам, абонентларнинг ўзлари учун ҳам овозни қабул қилиш сифатини оширади. Бу ўз навбатида сўзларни аниқ-тиниқ эшитиш ва тушуниш имконини яратади.

COSCOM қўшимча 64 та янги базавий станцияни ишга тушираётгани ҳақида гап борганда, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, базавий станцияда битта ва бир нечта қабул қилувчи ва узатувчи трансивер туриши мумкин. GSM андозасида алоқанинг сифати базавий станцияларнинг сонига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги (тармоқнинг топологияси, частота диапазони ва бошқа омилларни ҳисобга олмаганда) ва ана шу станциялар айрим операторлар томонидан реклама мақсадларида тақдим этилаётганини ҳисобга олиб айтиш жоизки, ҳар бир Horizon II станциясида 12 та трансивер ўрнатилган. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

COSCOM тармоғи 900 ва 1800 МГц диапазонли GSM андозалари асосига қурилган. Маълумки, 900 МГц частотадаги радиосигнал катта ўтиш қобилиятига эга бўлиб, шаҳарда уй-жойлар зич бўлган шароитда анча самаралидир. Бир хил ҳажмдаги зонада 900 МГц частотада ишлайдиган трансивер GSM-1800 андозасидаги трансиверга нисбатан уч баравар кам талаб қилинади. 900 МГц диапазонида етарли частота заҳирасига эга бўлган COSCOM компанияси Ўзбекистондаги бошқа операторлардан фарқли ўлароқ, ўз тармоғини ривожлантиришда асосан GSM-900 андозасидан фойдаланади. Мутахассислар GSM қабул қилиш-узатиш андозаларидан фақат уй-жойлар қалин бўлган шаҳарларда деярли ҳар бир хонадонни қамраб олиш зарурати туғилгандагина фойдаланадилар.

GSM-900 андозаси юксак алоқа сифатидан ташқари анча паст нурланишга эга. Демак, станцияларни катта зичликда жойлаштириш зарурати йўқ. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, 64 та Motorola Horizon II янги базавий станцияни фойдаланишга топшириш Ўзбекистоннинг айрим операторлари тармоғида 100 дан зиёд базавий станцияни ишга тушириш билан баробардир.

Motorola Horizon II янги станциясининг маълум модели танлаб олингани бежиз эмас. У узоқ келажакни мўлжаллаб харид қилинган. GSM андозаси тармоқларининг иккинчи авлод (2 G) тармоқларидан учинчи авлод (3G) тармоғига тадрижий ривожланиб бориши GPRS (General Packet Radio Servise) — EDGE (Enhanced Data Rates for GSM Evolution) каби андозаларни ва пировардида UMTS (Universal Modile Telekommunication Sustem) андозасини аста-секин жорий этишни назарда тутади.

Motorola компанияси ишлаб чиқараётган Horizon II авлодига мансуб базавий станциялар GSM, DPRS ва EDGE андозалари тармоқларида ишлай олади. Улардан фойдаланиш сайт ҳажмини икки карра зич қабул қилиш-узатиш қурилмаларини қўлланиш ҳисобига анча кенгайтириш имконини беради. Бу ерда қурилмаларнинг ҳар бири иккита частотада ишлайди ва натижада бу базавий станция ўз ўлчамларига кўра, тармоқдаги энг мукаммаллари қаторига киради. Horizon II уяли индустрия алоқа каналида энергетик балансни (Link balance) амалга ошириш, операторларга эса, капитал ҳамда операциявий харажатларни камайтириш имконини беради.

Horizon II базавий станциялар ҳақли равишда шу ўлчамдаги станциялар бозорида энг қувватлиларидан бири ҳисобланиб, улар Motorola ишлаб чиқаришининг Horizon шунингдек, UMTS андозасидаги «Node B» базавий станцияларнинг барча спекторлари билан тўла мос келиши таъминланадиган тарзда лойиҳалаштирилади.

Юқорида баён этилган далиллардан хулоса чиқариш мумкинки, COSCOM тармоқларида GPRS ёки EDGE каби янги андозаларнинг жорий этилиши яқин келажакда COSCOMнинг техник имкониятларига эмас, балки фақат компания абонентларининг талаб-эҳтиёжларига боғлиқ бўлади. COSCOM тармоғидаги янги хизмат турлари рўйхати мунтазам ўсиб, тўлдирилиб борилади. Алоқа сифати эса юқорилигича қолади.

Alcatel ва Motorola каби жаҳонда етакчи компаниялар билан ҳамкорлик қилиш самарали эканлигини COSCOM абонентлари янги ускуналарни монтаж қилиш чоғида алоқа сифатига мутлақо таъсир этмаганлигида яққол кўрдилар. Масалан, ўтган йили «Alcatel 1000S12» янги коммутатори COSCOM тармоғида фаолият узилишларсиз олиб борилган паллада ишга туширилди. Ҳозир ҳам шундай. Компания абонентлари ҳатто монтаж ишлари олиб борилаётган пайтда алоқа сифати яхшиланганини таъкидламоқдалар.

COSCOM доимо симсиз алоқанинг энг янги технологияларининг олдинги сафида боришга ҳаракат қилмоқда. У ўз абонентларига қизиқарли янги хизмат турларини тавсия этиш, хизмат сифатини ошириш ва тармоқдан фойдаланишни янада қулайлаштириш учун бутун имкониятларни ишга солмоқда. Horizon II базавий станцияларнинг жорий этилганлиги тармоқ ҳажмини ва қамров кўламини анча кенгайтирди. Бу — маблағларни узоқ муддатга оқилона сарфлаш, демакдир. Келажакда ана шу ускуналар алоқа андозаларининг GPRS ва EDGE каби янги туркумларига асосий қисмларни алмаштирмасдан туриб ўтиш ва абонентларга овозни ва маълумотларни юқори тезликда узатиш бўйича янги-янги хизматларни таклиф этиш имконини беради.

Бугун COSCOM бошқа уяли операторлар билан муваффақиятли рақобатлаша оладиган адолатли, шу билан бирга, мақбул нархларни тавсия этади. Хизмат турларининг сифати эса Motorola ва Alcatelнинг энг янги технологиялари асосида кафолатланади.

***COSCOMда ҳақиқатан ҳам, тармоқ сифатли, нарх адолатли.***

***Кечаю кундуз ишлайдиган маълумотлар хизмати — 1800000, 1810000, 1820000.***

***«COSCOM MOBILE CiTY» алоқа телефони — 1710000.***

***Корпоратив мижозлар учун алоқа телефони — 1840900.***

***Автомат ахборот-маълумот хизмати — 1521000***

***Web-сайт: WWW8 coscom.uz.***


COSCOM

Мен ҳатто сенинг
табассумингни эшитяпман...



СИФАТЛИ АЛОҚА ТАРМОҒИ
АДОЛАТЛИ НАРХЛАР

ДОИМИЙ ТЕХНОЛОГИК ЮКСАЛИШ

FORUM тариф режаси

NEW

ОЙЛИК МИЖОЗ ТЎЛОВИ - $3.00 !

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ КИРИШ ВА ЧИҚИШ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ - $0.10 !
Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидан ташқари

COSCOM ТАРМОҒИ ИЧИДА КИРИШ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ- $0.00 !

COSCOM ТАРМОҒИ ИЧИДА ЧИҚИШ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ - $0.05 !

LUX тариф режаси

Шоҳона мулоқот! Эфир вақти чекланмаган!
Ойлик мижоз тўлови - $75! + 12 турдаги бепул қўшимча хизматлар!

CORPORATE тариф режаси тўплами

Фақатгина COSCOM компаниясида, корпоратив мижозлар учун алоҳида хизматлар ҳавола этилади.

COSCOM тармоғида кириш мобил қўнғироқлари бепул
ва ажратилган эфир вақтини сарфламайди

BUSINESS тариф режаси тўплами

BUSINESS 200 - $ 18
BUSINESS 400 - $ 32
BUSINESS 600 - $ 45

COSCOM компанияси 2004 йил 1 апрелдан бошлаб қўнғироқлар манзилини ўзгартириш хизматининг янги шартларини ҳавола этади. Мижоз тўлови - $0.00!
Манзил ўзгартирилган қўнғироқлар мижознинг амалдаги тариф режасидаги чиқиш қўнғироқлари нархига тенглаштирилган.

WWW.COSCOM.UZ Tel: 180 00 00, 181 00 00, 182 00 00. Хизматлар лицензияга эга

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**2003-2004 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкилотлар билан келишилган ҳолда шартнома асосида ишга юбориш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади. Шу муносабат билан битирувчи бакалавр ва магистрларга сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда эҳтиёж бўлса, 10 майгача университетнинг маркетинг бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз.**

**Қуйидаги жадвалда вилоятлар миқёсида университетимизни тугатаётган ёш мутахассислар ҳақида маълумотни сизнинг эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**Манзил: 700138, Тошкент ш., Собир Юсупов к., Г-9а мавзеси, 21-«а» уй, маркетинг хизмати бўлими. Мурожаат учун телефон: 75-09-91.**

БАКАЛАВРИАТ

| Т/р | Ёш мутахассислар тақсимланаётган вилоят | Мутахассислик номи | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Филология | | | | | Таржимон-референт (тиллар бўйича) | Халқаро журналистика (йўналишлар бўйича) | ЖАМИ |
| | | Инглиз | Немис | Француз | Рус | Испан | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 8 | - | - | - | - | 1 | - | 9 |
| 2. | Андижон | 21 | 4 | 4 | - | 2 | 8 | 1 | 40 |
| 3. | Бухоро | 45 | 8 | 5 | - | 1 | 20 | 1 | 80 |
| 4. | Жиззах | 28 | 4 | 2 | - | - | 7 | 1 | 42 |
| 5. | Наманган | 18 | 4 | - | - | 3 | 12 | - | 37 |
| 6. | Навоий | 16 | 8 | 5 | 2 | - | 4 | 2 | 37 |
| 7. | Самарқанд | 22 | 4 | 4 | 2 | - | 5 | 6 | 43 |
| 8. | Сурхондарё | 33 | - | 2 | 1 | 1 | 4 | 4 | 45 |
| 9. | Сирдарё | 40 | 2 | 3 | 1 | - | 9 | 1 | 56 |
| 10. | Тошкент | 42 | 22 | 8 | 9 | 3 | 40 | 8 | 132 |
| 11. | Фарғона | 28 | 8 | 8 | - | 1 | 10 | 3 | 58 |
| 12. | Хоразм | 9 | - | 3 | - | - | 18 | 1 | 31 |
| 13. | Қашқадарё | 25 | 11 | 7 | - | - | 14 | 14 | 71 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 263 | 32 | 28 | 52 | 3 | 181 | 60 | 619 |
| 15. | Хорижий давлатлар | - | - | - | - | - | - | 2 | 2 |
| | Жами | 598 | 107 | 79 | 67 | 14 | 333 | 104 | 1302 |

МАГИСТРАТУРА

| Т/р | Ёш мутахассислар тақсимланаётган вилоят | Мутахассислик номи | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Лингвистика | | | | Таржима назарияси ва амалиёти | |
| | | Инглиз тили ва адабиёти | Немис тили ва адабиёти | Француз тили ва адабиёти | Рус тили ва адабиёти | Инглиз тили | ЖАМИ |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | - | - | - | - | - | - |
| 2. | Андижон | 1 | - | 2 | 1 | - | 4 |
| 3. | Бухоро | 9 | 1 | 1 | - | - | 11 |
| 4. | Жиззах | 2 | 2 | 1 | - | 1 | 6 |
| 5. | Наманган | 2 | - | - | - | 1 | 3 |
| 6. | Навоий | 1 | - | - | - | 1 | 2 |
| 7. | Самарқанд | 1 | - | 1 | - | - | 2 |
| 8. | Сурхондарё | 2 | 1 | 1 | 2 | - | 6 |
| 9. | Сирдарё | 2 | - | - | - | - | 2 |
| 10. | Тошкент | 8 | 3 | 2 | - | 4 | 17 |
| 11. | Фарғона | 5 | 1 | 1 | - | - | 7 |
| 12. | Хоразм | 1 | - | 1 | - | - | 2 |
| 13. | Қашқадарё | - | 1 | - | - | - | 1 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 45 | 7 | 3 | 6 | 20 | 81 |
| 15. | Хорижий давлатлар | - | - | - | - | - | - |
| | Жами | 79 | 16 | 13 | 9 | 27 | 144 |

**Сиз ёш мутахассислар билан бевосита суҳбатлашиб, уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган бошқа маълумотларни олиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, ўз ходимларингиз малакасини ошириш ёки қайта тайёрлаш, шунингдек, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олишлари учун университет билан ҳамкорлик қилишингиз мумкин. Таклифлар билан университетнинг маркетинг бўлимига мурожаат этишингиз мумкин.**

8886/762

"TEZINTOM" ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚК
TEZINTOM
ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:



ТУРЛИ РАНГДАГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЁПКИЧ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ ТОМЛАР ТЎЛИҚ КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРИШ
•Варақсимон ва доналик металлочерепицалар
•Майда тароқли уч хил турдаги профнастил (профил баландлиги 19 мм)
•Кўп турдаги аксессуарлар (том пардози элементлари). Металлочерепица ва профнастил узунлиги 0,95 дан 12 метргача. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вазни 4, 5 кг. Том анжомларини барчаси ғарб ускуналарида чет эл хомашёсидан тайёрланади.
ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, ЎРНАТГИЧ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА
Турли рангдаги полимер қопламалик, қалинлиги 0,5 ммлик пўлатдан ясалган.

Гўзал ва ишончли

ТУРЛИ РАНГДАГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ
"МЕЕН" (Германия), фирмаси технологияси асосида агрессив муҳитга металл ва электр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.
ГЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ САВИЯДАГИ НОЁБ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ
Жимжимадор панжаралар, суянчиқлар, гаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

31216

Манзил: Тошкент ш., Муҳитдинов к., 1(ТОЭМЗ–1). Мўлжал: "Буюк Ипак йўли" м. ст.
"ТЕЗИНТОМ" қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли камайтирилган
Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

O'zLotto
«ЎЗЛОТТО» лотереяси 16-тиражининг
**ҲИСОБОТИ**
Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган Телевизион, сонли «O`zlotto 6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.
Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 7 3 19 1 14 36
Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 3 апрел
Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6-та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5-та тўғри топилган сон учун | 452 125 | 2 | 226 062 |
| 4-та тўғри топилган сон учун | 452 125 | 51 | 8 865 |
| 3-та тўғри топилган сон учун | 1 582 437 | 662 | 2 390 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 10 апрель куни ўтказилади.
Кейинги тиражнинг ЖЕК-ПОТ суммаси: 100 000 000 сўм
Тўкин ҳаёт сари!
Тошкент, Ниёзбек йўли 24 тел. 136-70-69

## «Ўзимга йўл»

Академик рассом Акмал Нурнинг номи санъат ихлосмандларига яхши таниш. Ўзининг йигирма беш йиллик ижоди давомида у энг гўзал санъат асарларини яратди ва яратмоқда. Республика Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида очилган "Ўзимга йўл" деб аталувчи кўргазмаси ҳам ана шу жўшқин ижоднинг мевасидир.

Кўргазмага қўйилган асарлар асосан аёллар, оналар мавзуига бағишланган бўлиб, улар мусаввирнинг инсон ички дунёсини тушуниб етишга бўлган интилишларини акс эттиради.

**М. ТОЖИЕВА.**

BANK
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи
«Фулонг Индустриал» ҚК
ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.
*Нархлар — келишилган ҳолда.*
*Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.*
*Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.*
*Маккажўхори сотиб оламиз.*
Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!
Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор қ., Зироат кўчаси, 1-уй. Телефон: 58-48-97, факс: 120-58-24, e-mail: tgist@bcc.com.uz

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси
ШЎРТАНГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ
газни амин қурилмасида тозалаш жараёнида газ таркибидаги карбонат ангидрид ($CO_2$) миқдорини камайтириш мақсадида ишлатиладиган диэтаноламин (ДЭА) эритмасини алмаштириш учун янги ихтисослашган эритма сотиб олишга
ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
*Тендер муддати — 2004 йил 8 апрелдан бошлаб 30 кун. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун Шўртангаз кимё мажмуасига мурожаат қилиш мумкин.*
Манзилимиз: Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони. Телефонлар: (375) 220-70-59, 114-70-59, (375) 221-13-38, коммутатор: 221-02-27, ички телефонлар: 31-368, 31-116. Факс: (375) 220-70-76, 114-70-76. Электрон почта: shghk@uzpak.uz

Vinlad
КОМПЛЕКСНЫЕ СИСТЕМЫ БЕЗОПАСНОСТИ НА БАЗЕ ТЕХНИЧЕСКИХ СРЕДСТВ
CCTV - системы телевизионного наблюдения
Охранно-пожарное оборудование
Системы охраны периметра
Системы контроля доступа
Защитные пленки и стекла
Металлодетекторы
Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18.
Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13, тел./факс (998 712) 120-66-01.
e-mail: vinlad@sarkor.uz www. vinlad.com

ESENYA
ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE



БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

FBOKF
ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ
СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ КАФОЛАТЛАНГАН !



«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг икки йиллиги муносабати билан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди 2004 йилнинг 5-9 апрель кунлари телефон орқали
«БЕВОСИТА МУЛОҚОТ» ўтказади.
Сизни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олмоқчи бўлсангиз (8-371) 138-69-45, 138-69-46 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг.
*Саволларингизга фонд мутахассислари жавоб берадилар.*

## *Меҳр қолур, оқибат қолур*

*Қутлуғ айёмимиз Наврўз — Йилбоши арафаси эди. Тўйтепадан бир аёл қўнғироқ қилиб, Ўрта Чирчиқ туманида ўтказилаётган тадбирга таклиф этди. Кўпинча турли саналар муносабати билан ўтказиладиган расмий тадбирларга кўникиб қолганимиз учун «Узр, қандай тадбир экан ўзи? Расмиятчилик учун эмасми, ишқилиб», дея сўрашимиз биланоқ ҳалиги аёл «Очиғини айтайми, агар ёритиш ва ёзиш учун арзирли бўлмаганида мен ҳам овора бўлиб сизни безовта қилмасдим» деб жавоб берди.*

# Яхшилик — улуғ фазилат



Тўйтепага кириб боришдаёқ ажойиб бир манзара устидан чиқдик. Қарасак, уч-тўрт авлод вакиллари — ёшу қари биргалашиб, мевали ва манзарали кўчатлар ўтказишаётган экан. Элликларни қоралаб қолган киши изоҳ берди:

— Бошқа ниҳолларни ўзимиз экдик. Туманимизнинг энг кекса отахони, юз ёшли Нишонбой бува «Мен юз Наврўзни кўрган одамман. Келинглар, бу йилги байрамга атаб ўз қўлим билан бир арча экиб берай сизларга, озод ва обод Ватанимиз ҳам Йилбошимизга ўхшаб кўп минг йиллар яшаб юрсин», деб ният қилувди. Шунга йиғилиб турибмиз...

Нишонбой отанинг ёнида ўн ёшлардаги икки болакай ҳам бор эди. Улар сув қуйиб туришди, отахон қўлини дуога очиб, элу юртга омонлик, тўкинлик тилади-да, секин белкуракда тупроқ олиб арчани кўма бошлади. Бир зумда белкурак қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳамма яхши ният билан қадалаётган ниҳолга, бир сиқимдан бўлса-да, тупроқ ташлашга интиларди.

Бир пайт «Хуш келибсиз, ҳали отахонни кузатиб ўтирган чоғингизда ҳалақит бергим келмади. Сизга мен қўнғироқ қилган эдим. Бу ҳали бошланиши, энди асосий машваратга кирамиз», дея ўзини туман Қизил ярим ой жамияти раиси Каромат Расулова деб таништирган аёл бизни куй-қўшиқ янграётган катта даврага чорлади.

Даврага таклиф этилган турли авлод вакилларининг ёши, ижтимоий аҳволи, қолаверса, ноёб иқтидори ҳақида гап очилгач, бежиз бу тадбирнинг айнан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилмаётганига гувоҳ бўлдик. Нега десангиз, сир эмаски, биз ҳар доим ҳам, энг аввало, бир калима ширин сўзимиз ёки сизу бизнинг озгина меҳр-шафқатимиз ва арзимас мададимизга муҳтож инсонлар кўнглини олишга ҳадеганда вақт, фурсат тополмаймиз. Тўйтепада ўтказилган бу хайрия кечасида юз ёшни қаршилаган Нишонбой бува ҳам, 103 ёшни тўлдирган Маъфират ая ҳам, бири онасиз, бири отасиз бўлса-да, лекин ўз ёнгинасидаги саховатли инсонларнинг меҳр-мурувватн туфайли фан, санъат, спорт соҳалари бўйича ғолиб, совриндор, чемпион бўлган болакайлар ҳам баб-баравар инсонийликни, эзгуликни улуғлар, шарафларди.

Даврага таклиф этилган иқтидорли болалар ва ногирон спортчилар ҳамда ижодкорларга аталган байрам совғаларини улашаётиб, туман ҳокими Максим Тиллабоев микрофонни қўлига олиб, маҳзун оҳангда «Сизларга фақат байрам кунларида эмас, балки ҳар кун, ҳар лаҳза ҳар қанча меҳр кўрсатсак, илиқ сўзимизни айтсак, камлик қилади. Чунки сизлардан тўрт мучаси омон бўлганлар ҳам, ҳатто ўз ота-онаси бағрида эркатойлик қилиб юрганлар ҳам ўрнак олса арзийди», деганида минг карра ҳақ эди.

Давра қизиб кетди. Кимдир шеър ўқиди, яна бошқаси қўшиқ айтиб, рақсга тушди. Хуллас, кечанинг охири кўринмасди ҳали. Ниҳоят бизни бу ерга таклиф этган Каромат опа сал бетоқат бўлаётганимизни сезиб, истиҳола билан «Бу кечамиз кечгача давом этади ҳали. Сизга бир ибратли оилани кўрсатмоқчи эдиму, болаларни кўзим қиймаяпти-да», дея бир йигитни чақириб ўзи айтган хонадонга олиб боришини тайинлади.

Шинамгина, озода бир ҳовлида одамлар кўп эди. Аввалига ҳайрон бўлдик. Бирон тадбир бўлаётгандир, деган хаёлга ҳам бордик. Кекса онахон невара-чеваралари билан андармон экан. Кутилмаган меҳмонларни кўриб ҳайрон бўлди. Ўзимиз изоҳ бердик: «Аяжон, байрам баҳона келувдик Тўйтепага. Сизни бир кўриб кетайлик дедик». Қўзихол момо ичкарига овоз берди: «Ҳой, Хосият келин, меҳмон келди, қаранглар»

Ҳовлию ўчоқ бошини тўлдирган, деярли ёшлари бир-биридан унчалик фарқ қилмайдиган ўғил-қизларни кўриб, Хосият опанинг ўзидан «Сизнинг уйингиздаям байрам бўлаяптими?» десак, опа кулимсираб: «Ҳа, шундай деса ҳам бўлади, ҳаммаси ўзимнинг болаларим», деганидан сўнг барибир ҳайрон ҳолатда «Фарзандлардан нечта ўзи?» дея сўрадик.

Опа хижолатомуз тилга кирди. «Ўзимнинг болаларим десам ҳам бўлади. Қизим ёнида қизимдай, ўғлим ёнида ўғлимдай бўлиб қолишди ҳаммаси. Бири ўқийди, бири ишлайди. Бировининг отаси йўқ, бошқасининг онаси. Яна бирининг оиласи серфарзанд, ёрдамга муҳтож, қўлимдан келгунча кўмаклашаяпман», дея ўғил-қизларини чақириб бирма-бир таништирди. Улар бўлса самимий дил изҳорларини айта бошлашди. Бири қўйиб, бири ҳаяжон билан гапираётган қизларнинг сўзини Хосият Ўроқбоева бўлди: «Қўйинглар, қизларим, бу гапларни эшитганлар нима дейди? Миннат учун шу ишларни қилаётган экан-да, дейишмасин».

Кейин билсак, бу тиниб-тинчимас аёл инсоний меҳрга, моддий ёрдамга муҳтож ўнлаб ёшларнинг бошини силаш билан бирга, бошқаларни ҳам ана шундай хайрли ишларга ундар экан. Ана шунинг ўзи халқимиз орасида неча асрлардан бери ардоқланиб, эъзозланиб келинаётган ЯХШИЛИК деб аталган улуғ фазилатнинг бир кўриниши эмасми?

...Энди ортга қайтаётувдик. Шошилиб Каромат Расулова келиб «Тадбиримиз тугай деб қолди. Болаларимиз тўғри у ёққа боришади. Юринг энди, Наврўзга атаб сумалак ҳам қўювдик. Бир татиб кетмасангиз бўлмас», дея маҳаллага чорлади. Бир тарафда момолар ўлан-ривоят айтишаяпти. Бир томонда эса капгир талашиб ёшлар сумалак ковлаётган экан. Хуллас, ўчоқ бошида кекса момолар айтган самимий тилаклару неча минг йиллар давомида куйлаб келинган халқ лапарларида ҳам, энг аввало, халқимизнинг чексиз меҳр-оқибати, бир-бирига бўлган хайр-саховати мадҳ этилди, шарафланди. Тўйтепада елган Наврўз — Йилбошимиз насимлари юртимизнинг тўрт тарафида эсаяпти. Зеро, озод ва обод юртга фақат байрамлар шукуҳи, фараҳбахш кунлар ярашади.

**Норқобил ЖАЛИЛ.**



## АРМИЯМИЗДА СОҒЛОМ ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***ҚАРШИ. (ЎзА мухбири А.МУҲАММАД).***

Вилоятда навбатдаги муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирувга пухта тайёргарлик кўрилди. Туманлардаги барча чақирув пунктлари компьютер ва бошқа алоқа воситалари билан таъминланди.

Асосий эътибор чақирув пунктларини тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминлаш, чақирилувчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказишга қаратилмоқда. Қарши шаҳрида ўтган шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиқлари, вилоят чақирув комиссияси аъзолари, шифокорлар иштирокидаги ўқув-амалий машғулотда шулар ҳақида сўз борди.

Унда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Мўмин Мамадалиев, вилоят чақирув комиссияси бош врачи Содиқ Ҳакимов ва бошқалар Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади.

# Ўн икки йиллик тадқиқот



Британиялик олимлар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, чекиш инсоннинг кўриш қобилияти пасайишига ҳам сабаб бўларкан. Олимларнинг таъкидлашича, чекиш туфайли 53900 нафар британияликнинг кўриш органлари касалланган. Улардан 17800 таси умуман кўриш қобилиятини йўқотган.

Болтон шифохонаси ва Манчестер университети тадқиқотчиларининг ҳамкорликда ўтказган изланишлари ҳар бешинчи чекувчида ёш ўтиши билан кўз ҳужайраларининг касалланишини тасдиқлади. Умуман, кўз касалликлари кашандаларда чекмайдиганларга нисбатан ўн йил аввал бошланади. Бундан ташқари, тадқиқотчилар тамакига ружў қўйганлар ўпка раки билан касалланиши мумкинлигини ҳам эслатиб ўтади.

Чекишнинг зарарини ўрганиш бўйича 1991 йилдан буён тадқиқот олиб борган Оксфорд университети мутахассислари бу иллат, айниқса, аёллар организми учун ўта хавфли эканини аниқлашди. Уларнинг фикрича, аёллар тамакига тез ўрганишади ва ундан воз кечиши ўта қийин кечади.


*Ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлар диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЁ БИРЖАСИ ВА «ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ**

**2004 йил 15 апрель куни соат 11.00 да Тошкент вилояти истеъмолчилари учун пахта шроти ва пахта уруғи шулхасини сотиш бўйича аукцион савдолари ўтказади.**

**Тошкент ва Янгийўл ёғ-мой корхоналари томонидан апрель ойида сотувга қўйиладиган пахта шроти ва пахта уруғи шулхаси таклиф этилади.**

Аукционда иштирок этиш учун 15 апрелгача биржага бир ойда ишлатиладиган шрот ва шулха миқдори бўйича ариза топшириш лозим.

Қатнашчиларни рўйхатга олиш 2004 йил 15 апрель куни соат 10.00 дан қуйидаги манзилда ўтказилади: **Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 53-«А» уй** (Ўзбекистон Республикаси Мол-хомашё биржасининг Биржа маркази биноси).

Савдога қўйиладиган пахта шроти, пахта уруғи шулхаси ва лотлар бўйича тўлиқ маълумот билан Ўзбекистон Республикаси Мол-хомашё биржасининг Биржа марказида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефон: 139-83-88.**



*«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

*шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 1 апрелда тасдиқлаган № 19-03-РУз-27-2004 й. нархлар прейскурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2004 йил 5 апрелдан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 26800 сўм миқдорида белгиланди.*

8871Н/772



**«BAXT GULI» МЧЖ**

Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган

**гуруч маҳсулотини**

улгуржи нархда сотади.

*1 кг. гуруч нархи — 235 сўм.*

Телефонлар: 144-65-32, 148-14-12.



Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари



**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг умидбахшлиги билан ишончни оқлайди, ундан кўплаб фойдаланувчилар ва қўшимча уланадиган мижозлар ишини уйғунлаштиради ҳамда юқори унумдорлик билан ишлайди.**

**Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.**

intel inside XEON

Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.
http//:www.tstech.uz.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporationнинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.



экономическое ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ



**ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!**

- ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ТАМОЙИЛ ВА МУАММОЛАР
- БОЗОРЛАР ВА КОРХОНАЛАР ҲАҚИДА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ
- ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИ
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖУРНАЛ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГАЗЕТА ДЎКОНЛАРИ ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРИДА СОТИЛМОҚДА

ОБУНА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

WWW.REVIEW.UZ ● ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ – 957, 958 ● SALES@CER.UZ

Қайд қилинган гувоҳнома № 00023


«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси «Заркент» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

**Тожибой РИЗАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

---

Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

**Тоштемир ШАРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси

**Марҳабохон ОХУНОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г –572. 29008 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А–2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Б. Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.20 23456